Қадаминг қутлуғ келсин, янги йил!

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2011-yil 30-dekabr • №52 (4139)

**Азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужассам. Чунки оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор.**

**Ислом КАРИМОВ**



Отабек МИРСОАТОВ (ЎзА) олган сурат.

## МЕҲР-ОҚИБАТ МАКТАБИ

Янги рукн: Оила — эл-юрт таянчи

***Кириб келаётган 2012 йил Президентимиз томонидан "Мустаҳкам оила йили" дея эълон қилинганидан хабарингиз бор. "Инсон манфаатлари йили", "Оила йили", "Аёллар йили", "Соғлом авлод йили", "Оналар ва болалар йили" каби маржондай тизилиб келаётган йилларнинг мантиқан бир-бирига боғлиқ эканида, албатта, яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат каби юксак инсоний тушунчалар сарчашмаси бўлган оилага, бинобарин, жамият ва Ватан тақдирига, навқирон авлод келажагига беқиёс эътибор ва ғамхўрлик мужассам.***

***Мустаҳкам оила йили муносабати билан ташкил этилаётган мазкур рукн остида оила билан боғлиқ бой маънавий меросимиз, асрлар давомида шаклланган бетакрор анъаналар ва қадриятлар, истиқлол йилларида бу борада амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар жараёни, янгича қарашлар, оиланинг бугунги маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятига оид таҳлилий мақолалар бериб бориш кўзда тутилмоқда.***

Дунёда бир хил бармоқ изларига эга икки одам учрамагани сингари, турфа халқлар, миллатлар маънавияти ҳам ранг-баранглиги, такрорланмаслиги билан ажралиб туради. Шу маънода, ўтмиши, бугуни бир-биридан тафовут қилувчи эллар руҳиятини камалакнинг турфа товланишига қиёс этиш мумкин. Ёки мозаикани эсланг: яқиндан қарасангиз, турфа қуроқлар йиғиндисидек, маълум масофадан кузатганда эса, тенгсиз санъат асари, уйғун чирой. Достоевский "Дунёни гўзаллик қутқаради", деган эди. Илло, гўзаллик воситасида қутқариб қолинган дунё аҳли шу билан андармон бўлиб қолмайди, доимий ривожланади, тараққий этади, тамаддуннинг юксак чўққиларига кўтарилади. Табиийки, буларнинг барисига сеҳргар таёғининг бир ишораси ёинки ижтимоий эврилишлар воситасидагина эришиб бўлмайди. Бу узоқ давом этадиган жараён. Мутаносиб гўзаллик эса мазкур жараённи ҳаракатга келтириб, муайян тезланиш бериб турувчи куч бўлиб хизмат қилади. Ахир, инсон зотида бемисл даражада улкан ҳуқуқ бор — яшаш ҳуқуқи. Инсон зотида ундан-да улкан бурч бор — ўзгаларнинг ҳуқуқига дахл қилмаган ҳолда эркин яшаш. Буни англаган одам ўзини ҳурмат қила бошлаган одамдир. Ўзини ҳурмат қилган одам эса бошқаларнинг ҳам иззатини жойига қўя билади. Инчунун, халқлар-эллар руҳониятининг ўзига хослиги камалакдаги турли ранглар товланишига монанд бир-бирини тўлдириб, бойитгани ҳолда, бири иккинчисини инкор этмайди.

Ҳаёт инсонга бир марта берилади, мана шуниси билан ҳам янада қимматли ва азиз. Шунчаки кун кўраётган эмас, ҳақиқатан яшаётган одамгина инсон деган шарафли номга муносиб бўла олади. Инсонийликнинг дастлабки тамал тоши эса донишманд айтганидек, табиатнинг шоҳ асари бўлмиш оилада қўйилади. Секин-аста портлайдиган бомбадек онгу шууримизга таъсир кўрсатадиган ҳар хил "оммавий маданият" хуружларига қарши тура оладиган бизнинг янада кучлироқ мафкура иммунитетимиз ҳам дастлаб оилада шаклланади.

Шарқда, айниқса, ўзбек халқида азал-азалдан бола оилада камол топган, ўзига хос дунёқарашга ва нуқтаи назарга эга бўлиб улғайган, унинг дунёга, жамиятга, атрофдагиларга муносабати сайқалланишида ҳам оила улкан аҳамиятга эга бўлган дастлабки мактабдир. Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат ҳам бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди".

Давоми иккинчи саҳифада.

## ЯНГИ ЙИЛ ШЕЪРИ

Шеърий лаҳза

**Арчалар шохида чироқлар ёнди,**
**Хаёлда жонланди беғубор хотир.**
**Кўнгилда дарёдай умид уйғонди,**
**Бугун мўъжизалар бўлмоқда содир.**

**Кун кўкка маҳкамроқ ўрнашди чоғи,**
**Бирдан майин тортди қаҳратон — қаҳр.**
**Қоп-қора булутлар оқ-оппоқ ёғди,**
**Бугун мўъжизалар бўлмоқда содир.**

**Дарахтлар титракда эди, тўхтади,**
**Қор улар бошига ёйди гул чодир.**
**Сайраган неки бор, қушга ўхшайди,**
**Бугун мўъжизалар бўлмоқда содир.**

**Пастлик баландлади, кенгайди торлик,**
**Сувлар кўпайишди, ҳаволар атир.**
**Севганин кутгандай ясанди борлиқ,**
**Бугун мўъжизалар бўлмоқда содир.**

**Атрофда султонлик қилар оқ ранглар,**
**Қувонса, жимлик ҳам гапирар, ахир,**
**Сукунатта келди кумуш жаранглар,**
**Бугун мўъжизалар бўлмоқда содир.**

**Болалар кўзида саодат нақши,**
**Унда буюкликка зўр ишонч зоҳир.**
**Янги йил, келишинг шунчалар яхши,**
**Яна мўъжизалар бўлади содир!**

**ҚУТЛИБЕКА**

## ҚАЛБЛАРДА ВАТАН ТУЙҒУСИ

Ёзувчилар уюшмасида

Истиқлол миллий адабиётимизга янгича нафас олиб кирди. Бу яратилган кўплаб ҳикоя ва қиссаларда, романлару саҳна асарларида, шеъру достонларда яққол намоён бўлмоқда. Хусусан, мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги арафасида уюшма ташаббуси билан ўтказилган "Ватан учун яшайлик" танловида кўплаб ижодкорларимиз шеърий, насрий ва публицистик асарлари билан иштирок этишди. Бу асарларда ижодкорларнинг Ватанимиз ўтмиши ва бугуни, келажаги ҳақидаги ўй-фикрлари, юрт тараққиёти учун жон куйдираётган юртдошларимизнинг фидойиликлари акс этган. Улар ичидан чинакам Ватан туйғуси ифода этилган энг сара асарлар ғолиб деб топилди. Яқинда ана шу асарлар уюшма қошидаги "Адиб" нашриётида "Ватан учун яшайлик" номи билан алоҳида китоб ҳолида нашрдан чиқди. Ушбу китобга жамланган ижод намуналари билан танишар экансиз, юртнинг эртаси, Ватан тараққиёти учун ҳар бир фуқаро масъул эканлигини, бу йўлда ҳар ким ўз салоҳияти, истеъдоди ва касбу кори билан фидойилик кўрсатиши кераклигини юракдан ҳис этасиз.

Айни кунда нафақат тажрибали адибларимиз, балки ёш истеъдод соҳиблари ҳам фаол ижод қилаётганларини таъкидлаш ўринли. Шу боисдан ҳам уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ҳар йили "Биринчи китобим" рукни остида ёш ижодкорларнинг энг яхши асарлари кўп минг нусхада нашр қилиняпти.

Давоми иккинчи саҳифада.

Янги рукн: Яхши ният...

***Халқ ҳикматларида унинг донишмандлиги олмосдай ярақлаб туради. Масалан, "Яхши ният — ярим давлат", дейди элимиз. Энг долзарб масалани ҳам, ўта нозик ёки серташвиш вазифани ҳам ғоятда самимий, юракка етиб борадиган тарзда, ортиқча иддаоларсиз, чиройли айта билиш халқимизга хос юксак муомала маданиятининг бир белгиси. Шу боис, ҳар бир ишимизда халқ ҳикматларидан улги олсак арзийди, ярашади.***

***Янги рукнимиз — "Яхши ният..."нинг мазмунини ижтимоий, маданий, адабий муаммоларни баҳамжиҳат ҳал этишга чорлайдиган, жамоатчиликда фикр уйғотадиган, энг муҳими, эзгу ният тарзида самимий ифодалайдиган фикр-мулоҳазалар ташкил этади.***

## СИЗ ҚАНДАЙ КИТОБ ЎҚИЙСИЗ?

Автобусда бир қизни кўрдим. Хўш, нима бўпти дейсизми?! Ахир, у китоб ўқиётган эди! Ҳойнаҳой, ўзини ақлли кўрсатмоқчидир-да, деб синчков назар билан уни кузатиб кетдим. Йўқ, адашган эканман. У чиндан ҳам шунчалик мутолаага берилиб кетгандики, менинг қараб турганимни сезмасди ҳатто. Энди бу қизни ўзига бунчалар боғлаб олган китобга қизиқа бошладим. Шу пайт автобус қаттиқ силкиниб кетди. У ўқиётган қаторини йўқотиб қўйди, шекилли, бошини кўтарди.

— Вой! Ўтиб кетибман, — дея автобусни тўхтатиб, бекатга етмай тушиб қолди. Атрофдагилар бир-бирига маъноли қараб олди. Қизиқ, биров айтса ишонмасдим. Аммо орамизда шундай китобхонлар борлигидан суюндим. Чунки транспортда ҳам қулоғига "наушник" тиқиб олиб, кўзини лўқ қилиб, сақич чайнаб кетадиган ёшларни кўп кўрамиз.

У тушаётганда қўлидаги китобнинг муқовасини кўриб қолдим ва унга бўлган ихлосим тарновидан узилиб тушган муздек парча-парча бўлиб кетди. Бу китобни ўқигандим. Билим юртида таълим олаётган кезларимда бир курсдошим шу китобни оғиз кўпиртириб мақтаганди. Тўғри, бир қарашда асардаги персонажлар, воқеалар қизиқарли туюлади. Ўтда куймас, сувга чўкмас бош қаҳрамон ўнгу сўлига қарамай душманларини тумтарақай қилади. Хуллас, китоб сюжети бошдан охир тўс-тўполон воқеалар асосига қурилган. Бу ҳам камлик қилгандек, бош қаҳрамон асар сўнггигача учта жувон билан "ошиқ-маъшуқ" ўйнайди. Персонажларнинг тили эса пистачи кампирнинг "лаҳжаси"дан асло фарқ қилмайди.

Афсуски, айрим хусусий газеталар "кўмаги" билан бундай "эрта пишар" асарлар кўпайиб қолди. Ачинарлиси шундаки, улар китобхонларни енгил ҳазм бўладиган, маънавий-тарбиявий аҳамияти суст асарларга ўргатиб қўймоқда.

Бундай китобларнинг аксари ғарб "оммавий маданияти"дан андоза олиб яратилганга ўхшайди. Чунки қаҳрамонлар характерида миллийлигимизга бегоналик яққол кўзга ташланади. Зотан, ҳали тўлиқ шаклланмаган ёшлар онггида бундай ёт таъсирлар тез илдиз отади.

Бугунги кунда ёшларимиз кўп вақтини интернет, радио, телевидение билан машғул бўлиб ўтказмоқда. Шунга кўра www.natlib.uz, kitob.uz, www.ziyonet.uz кабиларга ўхшаш бадиий, илмий ва публицистик сайтлар кўпайтирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Қолаверса, телевизорда ўқувчилар маънавиятига ижобий таъсир этадиган, улар қалбида Ватанга муҳаббат, ор-номус, мардлик туйғуларини тарбиялашга хизмат қиладиган китоблар рекламаси ҳам мунтазам йўлга қўйилса нур устига нур бўларди, деб ўйлайман.

**Абдулла ЧИМИРЗАЕВ**

## ҲИЛОЛАНИНГ ЮТУҚЛАРИ



Истиқлол фарзандлари

Ҳилола Шарипова Қўқон тасвирий ва амалий санъат коллежининг юқори босқич талабаси, умидли мусаввира. Бувайда туманининг Шўрқишлоғида туғилган. Моҳир рассом-мураббийлар, санъатшунос ўқитувчилар қўлида тасвирий санъат сирларини эгаллаётган Ҳилола қатор ишлари билан турли кўрик-танловларда ғолиблар сафидан ўрин олмоқда.

Ўтаётган йил Ҳ.Шарипова учун омадли келди. "Ўзбекистон — Германия дўстлик жамияти" ташаббуси ва ҳомийлигида ўтказилган ёш рассомлар кўрик-танловида тўрт юздан ортиқ ижодкорлар орасида иккинчи даражали диплом ва сертификат соҳибаси бўлди. Унинг рангтасвирда чизган "Юртим даласи", "Дугоналарим", "Пахтазор" картиналари ҳайъат аъзолари томонидан ўзига хос асарлар сифатида эътироф этилди.

Шу йилнинг апрел ойида бўлиб ўтган "Ёш мусаввирлар асарлари кўргазмаси" ҳафталигида бир неча асарлари намойиш этилди. Изланувчан мўйқалам соҳибаси "Келажак овози" танлови вилоят босқичида ғолиб деб топилиб, республика босқичига йўлланма олди. Айни кунларда Ҳилола катта орзу-режалар билан изланишни давом эттираяпти. Истиқлол йилларида мамлакатимизда ёшлар ўз иқтидорларини рўёбга чиқариши учун кенг шарт-шароитлар муҳайё этилгани Ҳилола сингари истеъдод эгаларини яратиш завқи билан ижод қилишга ундамоқда.

**Кибриё ЖЎРАЕВА**

*Қўқон шаҳри.*

## МАЪНАВИЯТ ДАРСХОНАСИ

Ўн икки чин дўст



Ассалому алайкум, муҳтарам "ЎзАС" муштарийлари, севимли газетамизнинг жонкуяр мухбирлари ва фаол муаллифлари!

Барчангизни эшик қоқаётган янги йил билан чин дилдан қутлайман. Энг аввало, оилаларингизга бахт ва иқбол, тотувлик ва саодат тилайман. Келаётган йилни "Мустаҳкам оила йили" деб атаганимиз бежиз эмас. Юртбошимиз айтганларидек, оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини дейишимиз замирида, шубҳасиз, катта маъно бор. Негаки, оила соғлом экан жамият ҳам мустаҳкамдир.

Мен бунга ўзимнинг салкам етмиш йиллик ҳаётим мисолида гувоҳ бўлиб келаяпман. Назаримда, ота-боболаримиз мустаҳкам оила қуриш сир-асрорини яхши билишган ва унга тўкис амал қилишган. Оилада ҳамманинг — кексаю ёшнинг, фарзанду невараларнинг ўз ўрни бўлган. Бу борада бизга ибрат бўладиган жиҳатларга ҳаётнинг ўзида мисоллар кўп.

Энди ўзимдан сўзласам, бобом Бухоро амирининг, Камолхўжа дадам эса кейинги даврнинг моҳир ошпазлари бўлишган. "Софи ош"ни қойилмақом қилиб пиширишда улардан ўтадиган бўлмаган. Мен эса аввал шифокор бўлишни орзулаб, Андижон тиббиёт институтига ҳужжат топширган бўлсамда, мусофирликка кўника олмай Бухорога қайтиб Педагогика институтининг кимё-биология факултетига имтиҳон топширганман. Ўшанда кўпчилик талабалар орасида битта ўзим "Ўқитувчилик — шарафли касб" деган эркин мавзуда иншо ёзганимни кўриб, раҳматли профессор Тожи Қораев "Сиз адабиёт факултетига киришингиз керак", деганлари кечагидек эсимда. Ёшлигимдан дадам раҳматли шеър, эртак айтиб улғайтирган. Уларни болаларимга ҳам, невараларимга ҳам айтиб тураман. Бу шеърлар мустақиллик йилларида радио орқали ҳам ўқилганидан ҳануз хурсанд бўлиб юраман.

Талабалик давримизда ёзувчи Асқад Мухтор, шоир Уйғун, Пўлат Мўмин, Жамол Камол ва бошқа ижодкорлар билан тез-тез учрашувларда қатнашганман, сўзга чиққанман. Асқад акага бизнинг Бухоро чўлларимизда янгидан барпо бўлган Навоий шаҳри бунёдкорлари ҳақида бир китоб ёзсангиз, деб таклиф қилганимда бутун зал мени қувватлаб, ижодкорни олқишлаган. Ҳамон шаҳримизга пойтахтдан ижодкорлар келибди дейишса, вақт топиб учрашувга шошаман. Адабиёт янгиликларидан хабардор бўлиб, ўзаро мулоқотлардан баҳра оламан.

***Менинг қирқ йиллик ҳамроҳим "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси эса бу борада энг яқин кўмакчимдир. Саҳифаларидаги ҳар бир мақолани синчиклаб ўқийман, фарзандларимга, набираларимга ўқиб бераман.***

Устоз Ойбекнинг "Наъматак" шеърини шу газетадан ўқиб ёд олганман. "Сендан-да буюкроқ нимам бор, Ватан" мисраси билан бошланувчи шеърни бутун оиламиз билан ёдлаганмиз. Уни неварам Бухоро радиосидан, ўзим эса мустақиллик байрамида ўқиганман.

Давоми олтинчи саҳифада.

# МЕҲР-ОҚИБАТ МАКТАБИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Бинобарин, оила ўзида жамиятни акс эттиради, жамият эса оилани. Жамият ва оиланинг уйғунлиги мазкур давлатнинг бугуни ва эртанги кунини белгилаб беради. Шу сабабли ҳам оила масаласига бемалол инсонни ўрганиш масаласи деб қараш мумкин. Бу масала барча давлатлар учун ҳам ҳамиша долзарб бўлиб келган ва шундай бўлиб қоладиям. Айнан шу сабабли бўлса керак, илғор хорижий давлатларда инсонни ўрганиш бўйича бутун бошли институтлар ишлаб турибди.

Ўзбек оиласи — бола руҳиятининг, маънавиятининг пойдеворини қўйгувчи гўша. Оилада камол топаётган ҳар бир фарзанд аслини олганда Шахс, Комил Инсон. Инчунин, ҳар бир Шахснинг, Комил Инсоннинг воқеликка нисбатан ўз муносабати, нуқтаи назари бўлиши табиий. Ва, айни пайтда, бу муносабат, бу нуқтаи назарлар аввало оилада шаклланишини юқорида таъкидлаб ўтдик.

Аксар ҳолларда оилада фарзандлар катталарнинг, ота-оналарнинг измида бўлади. Шубҳасиз, ота-она қадри бекиёс. Ҳар бир фарзанд ўз ота-онасини ҳар қанча бошига кўтарса, ҳурмат-иззат қилса арзийди. Инсонийликнинг энг оддий меъёрлари ҳам шуни тақозо қилади. Фақат ҳурмат итоатга, иззат мутеликка айланиб қолишига йўл қўйилмаса бас. Зеро, тобе ва муте фарзанддан ҳеч қачон шахс, комил инсон етишиб чиқмайди. Бундай фарзанд бугун ота-онасининг ёки ўзидан катталарнинг чизган чизиғидан чиқмас экан, эртага ўзгаларнинг йўриғида юради — чунки оилада унга шундай тарбия берилган. Бундай фарзанд ўзининг тинчлигини, хотиржамлигини жамият ташвишларидан афзал кўради, нари борса “Биз кичкина одам, бизнинг нима ишимиз бор” деб қутулади, ўзини масъулиятдан олиб қочади, оғзига чайнаб солинган ҳар қандай гапни ягона ҳақиқат ўрнида кўради.

Биз янги замонда яшамоқдамиз. Янгича талаблар, янгича воқелик. Бу даврда фарзанд оиланинг онгли аъзоси бўлсин. Ўз фикрига, мулоҳазасига эга онгли аъзоси. Сўзимиз муқаддимасида таъкидлаб ўтганимиздек, дунёда бир хил бармоқ изларига эга иккита одам топилмагани сингари, иккита тамомила бир хил фикрлайдиган инсонни ҳам учратиб бўлмайди. Ҳатто улар ака-ука, опа-сингил ва ҳаттоки эгизак фарзанд бўлганлари тақдирда ҳам. Шундай экан, оилада фикрлар хилма-хиллиги, нуқтаи назарлар баҳси бўлиб туриши ҳам табиий ҳол. Агар фарзанд нимададир янглишаётган, ёшлик қилиб, ҳовлиқиб, хато қилаётган экан, буни ётиқлик билан тушунтириш ота-онанинг вазифаси, бурчи. Илло бугун ўз фарзандининг мулоҳазасини диққат билан эшитаётган, у билан баҳсга киришаётган, унинг хатоларини тўғрилаб йўл-йўриқ кўрсатаётган ота жамият учун куюнчак бир инсонни тарбилаётгани билан қадрлидир.

Кўҳна Шарқда оиланинг, ота-оналар ва фарзандлар муносабатларининг ўзига хослиги хусусида ўйларканман, ёдимга бир мисол тушди. 2009 йили “Ўзбекистон” нашриёти Жанубий Корея президенти Ли Мён Бакнинг “Мўъжиза содир бўлмайди” номли китобини чоп этди. Унда, жумладан, шундай сатрлар бор: “Ота-она ва болалар ўзаро суҳбатлашмайдиган оила бахтсиздир. Болалари қулоқ солмайдиган ота-оналар ҳам бахтсиз. Шунингдек, ота-онаси зуғум қиладиган болалар ҳам бахтсиз. Аммо суҳбат кўнгилдан эмас, шунчаки, гаплашиб ўтириш учун ўтказиладиган оилани ҳам бахтли деб бўлмайди. Мулоқот фарзанд – фарзандлигича, отаона эса – ота-оналигича қолган ҳолларда, улар ўртасида ҳурмат ва ишонч бўлгандагина рўй беради...” Ўтган юз йилликнинг охирларида, чорак аср мобайнида Жанубий Корея иқтисодийижтимоий ҳаётида мисли кўрилмаган юксалишлар рўй бергани ҳеч кимга сир эмас. Бу жараёнда оила омили нечоғлик муҳим ўрин тутгани мазкур китобда ёркин тасвирланган.

***Эҳтимол, дунё тараққиётнинг “корейс модели”дан сўнг, бугунги кунга келиб “ўзбек модели” хусусида гапира бошлагани ҳам бежиз эмасдир. Балки Шарқнинг иқтисодий мўъжизалар ярата бошлашида ҳақиқий мустаҳкам оила қанчалик аҳамиятта эга бўлса, Ғарбнинг маънавий таназзулга юз тутишида оила парокандалиги шундай вазифани ўтагандир?***

Мулоҳазамиз қуруқ бўлмаслиги учун яна бир мисолни келтириб ўтайлик. Тўрт-беш йил бурун ривожланган ғарб давлатларидан бирида хизмат сафарида бўлганимизда, бир журналист ҳаётини деярли ўн кун мобайнида яқиндан кузатиш имконияти туғилди. Ҳар куни иш тугагандан кейин журналист ўртоқлари билан бирон қаҳвахонага кетади, унинг рафиқаси эса дугоналари билан бошқа қаҳвахонага. “Нега биргаликда бир жойга бормайсизлар?" деган саволимизга



Қарши шаҳридаги «Эл-юрт таянчи» обидаси.

“Қизиқишларимиз тўғри келмайди” қабилида жавоб олдик. Кечаси ўнларда уйга қайтилади, эрталабдан яна иш. Ўн олти ёшли ёлғиз ўғил фарзанд эса бундан икки йил бурун, отасидан юз доллар қарз олиб, қўшни шаҳарга ўз омадини излаб кетган экан! Ҳафтада бир марта қўнғироқ қилиб турармиш... Ота-онада фарзанд борасида хавотирдан асар ҳам йўқ. Мана, шу экан Ғарбча турмуш тарзи. Яъни, бола ўсмир ёшидан бошлаб мустақил, ота-онасидан алоҳида ҳаёт кечириши, бизнес қилиши, пул тўплаши лозим. Пулинг бўлмаса – ҳеч ким эмассан. Камбағалмисан — ўзинг айбдорсан!.. Отаонада пул бисёр, ҳар йили дунёни бир марта айланиб келишади, аммо қўшни шаҳарга бориб, фарзанд ҳолидан хабар олишга фурсат топишолмайди...

Бу ҳали ҳолваси экан. Кунларнинг бирида журналистнинг қўшни музофотдаги ота-онаси қўнғироқ қилишиб, тўрт кунга меҳмонга келишларини айтиб қолишди. Ана шунда – буни тасаввур этиш ҳам мушкул – эр-хотин бизнинг кўз олдимизда ота-онани шу-унча кун меҳмон қилиш қанчага тушишини ҳисоблашга тушиб кетишди. Хижолат бўлиб, шоша-пиша хонадан чиқдик. Эҳтимол, журналист танишимиз ҳам, унинг рафиқаси ҳам 14-15 ёшида уйларидан кетиб, ота-онадан йироқда мустақил яшашгандир. Уларнинг оила қуришлари ҳам ғаройиб кечган экан. Аввалига тўрт-беш йил учрашиб туришган, “бойфренд”у “гёлфренд”ларни алмаштира-алмаштира, ниҳоят фарзанд кўришга қарор қилганларидан кейингина никоҳдан ўтишибди. Шу сабабли уларнинг кўнглида на ота-онага, на қайнота-қайнонага меҳр қолмагандир. Аммо меҳрсиз, оқибатсиз яшаб бўладими? Ва бундай ҳаётни ҳаёт деб бўладими? Ахир, биз Инсонмиз-ку. Фақат қорнимиз тўқ, яшаш жойимиз иссиқ бўлишини ўйлайдиган бирор жонивор эмасмиз-ку. Ахир, қодир табиат бежиз инсонни азиз ва мукаррам этиб яратмаган. Ҳазрат Навоийни эслайлик:

**Кони-ю ҳайвони агар ҳуд набот,**
**Ҳар бири бир гавҳари олий сифот.**
**Барчасини гарчи латиф айладинг,**
**Барчадин инсонни шариф айладинг.**

Лев Толстой ҳам “Ўз уйида бахтли бўлган кишигина бахтлидир”, дейди. На ота-она меҳрини ҳис қилган, на фарзанд эҳтиромини билган одам қандай бахтли бўла олади?

Тўғри, бундай ғайриинсоний қарашларга яқинроқ нуқтаи назарлар бизнинг яқин тарихимизда ҳам учради. Мисол излаб узоққа бормайлик, “пролетар ёзувчиси” Горький собиқ иттифоқ даврида “Оилавий ҳаёт инқилобчининг ғайрат-шижоатини сусайтиради” деб бонг урганини, ундан ҳам аввалроқ Герцен “Ўз бахту саодатини фақат оилавий ҳаётдан кутган киши уйини қум устига қурган бўлади”, дея “файласуфлик” қилганини, умуман бундай алаҳсирашларни соғлом ақл билан тушуниб бўладими? “Колхозлаштириш” баҳона оилаларни умумлаштиришга бўлган уринишлар-чи?

Яхшиям оилани муқаддас деб биладиган, бу борада минг йиллик боқий қадриятларга эга халқимиз бундай синовлардан муваффақият билан ўта олди. Акс ҳолда нималар содир бўлишини ўйлашнинг ўзи қўркинчли.

Мана, бугунга келиб мамлакатимиздаги оилалар сони 7,5 миллиондан кўпроқни ташкил этади. Уларнинг бир миллионга яқини ёш оилалардир. Биргина 2010 йилнинг ўзида юртимизда 283 минг никоҳ қайд этилган. Кейинги йигирма йил ичида турмуш қураётган йигитлар ёши 24 дан 25 га, қизлар ёши 21 дан 22 га кўтарилди. Аҳолининг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшга узайди. Ўтаётган йилда мамлакатимиз “Болаларни асрайлик” (Save the children) халқаро ташкилоти томонидан тузилган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингида ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган давлатлар орасида 9-ўринда қайд этилди. Ушбу натижаларнинг барчаси истиқлол йилларида соғлом турмуш тарзига, оилага берилаётган эътибор маҳсулидир. Бошланаётган “Мустаҳкам оила йили”да эса бу каби кўрсаткичларнинг ҳаётимиздаги ҳиссаси янада ортади.

Салмоғи “Қуванинг анорича” келадиган шу митти рубъи маскунда бизнинг ҳам азиз Ватанимиз бор. Бизнинг киндик қонимиз шу тупроққа тўкилган, бизни шу тупроқ едирган-ичирган, кийинтирган, улғайтирган. Шу Ватан бизники. Шу юртнинг фуқаролари маънавияти юксак Комил Шахс, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган фидойи инсонлар бўлиб етишишлари тилагидамиз. Зеро, юрт шавкати – ҳар бир фуқаронинг шавкати, юрт шони – ҳар бир фуқаронинг шони. Бу жараёнда оилага, унинг фаровонлигига алоҳида эътибор қаратиш оила қўрғонининг асос-пойдевори мустаҳкам бўлишига хизмат қилади. Оила масаласига бундай ёндашув эса қисқа фурсат ичида ўзининг залворли самараларини кўрсатажак.

**Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ**

---

Янги рукн: **Ўзбегойим ибрати**

# УЙИМДАГИ ҲАЁТ

***Жамият тараққиётида оиланинг аҳамияти беқиёс. Оилада эса аёлнинг — она, ёр, опа-сингилларнинг ўрнини бошқа бирон бир нарса билан қиёслаб бўлмайди. Ўзбек оиласида, кўп асрлик миллий қадриятларимиз, маънавий тутумларимизда кўнглимизнинг кўри бўлган аёлга, оилага муносабат доим муқаддаслик касб этиб келган. Тарбия воситаларимиз шундай эҳтиромга асосланган. “Мустаҳкам оила йили” муносабати билан ташкил этилган ушбу рукнимиз ҳам бевосита Ватан, жамият тақдирида оиланинг, хусусан, аёлнинг ўрнини ва шу асосда бевосита миллий ўзлигимизнинг асл манзарасини намоён этишни кўзда тутади. Улуғ Қодирий яратган Ўзбегойим тимсолида севиб ўқиганимиз, ҳавас қилганимиз ўзбек аёли шарафи ҳамиша қутлуғдир. Ўзбегойимларнинг ибрати, улгуси эса она юртимиз камолида доимо муҳимдир.***



Ўзбегойим ибрати деган меҳрли, тафтли, ҳам масъулиятли иборани эшитиб, умрим давомида ибрат бўладиган нима қилолдим, деган истиҳолага бордим. Ахир, мен бир аёл қилиши мумкин бўлган оддийгина вазифаларни бажаряпман, имконим даражасида, албатта.

Ҳа, мен табиатан хавотиру ҳадик ичида яшайдиган одамлар тоифасига кирсам керак. Атрофимдаги, қўлимдаги, юрагимдаги ҳамма нарсани йўқотиб қўйишдан қўрқаман. Эрталаб турмуш ўртоғимни, болаларимни ишга, ўқишга кузатар эканман, қўлларимни дуога очиб илтижо қиламан.

Шукрлар бўлсин, Ватанимиз тинч. Барибир, ҳаёт ҳаётда! Уйимдан, рўзғоримдан, турмуш ўртоғим ва болаларимдан кўнглим хотиржам бўлганидан кейин бошқа бир дунёга йўл оламан. Энди бу менинг шеърларим. Уйимдаги хотиржамликнинг калити турмуш ўртоғим, оилам бўлса, ижоддаги хотиржамлик паноҳи — Яратганнинг ўзи. Мен шунақа ўйлайман.

Ҳаёт — Моцарт, Бетховен, Бах, Шопенни эшитишдан иборат эмас. Султон Алининг мусиқаларидан сўнг аллақаерларга учиб ҳам кетиб бўлмайди. Эшикли уй, кимдир келиши мумкин. О, онам айтган шунга ўхшаш сўзлар бутун умрим давомида мени дунё билан боғлаб туради. Дунёга очилиб турган эшик борлигидан қувониб кетаман. Уйимга келувчи ҳар бир инсонни очиқ юз билан қаршилаш чарчоғу ғуборни кетказади. Қайнонам, қайнотамни чин дилдан яхши кўраман. Келишса — бағримиз тўлиб қолади. Қайнсинглим, қайнукаларимнинг бу дунёда борлигидан фахрланаман. Ҳаётдаги ҳар инсонга, ҳамма нарсага “меники” деб қарайман. Кўзим очиқ, худога шукр, кўриб турибман. Кўриниб тургани, ахир, меники эмасми? Мени дунё билан боғлаб турган икки қанотли деразам бор. Баъзан қушлар келиб ўзини уриб олади. Мен кун бўйи хурсанд юраман. Нимани ўйлаганларимни Яратганнинг ўзи билади.

***Кийимнинг оғирлиги кийим илгичга тушмасин, дердилар онам, бу — кир кийим кийим илгичда турмасин, деганлари бўларди. Амал қилдим. Бўш қозон — одамнинг кўзига ёмон кўринади, дердилар — буни ҳам уддалаяпман, шекилли.***

Дунёдаги энг яқин дўст — турмуш ўртоғинг ва болаларинг, дердилар. Демак, мен фақатгина ўз вазифамни бажарибман-ку. Менинг ўзим ҳам хурсанд бўладиган томоним — нима қилсам оғринмасдан қиламан, шавқ билан адо этаман.

Шунинг учун бўлса керак, оиламнинг тўғри ҳаёт кечириши учун қанча елиб-югурсам ҳам ўзимга ёқаверади. Шу ўринда гапимнинг давомидай бир шеър:

**Ойнага урилар ёмғир бетиним —**
**Йўлидан ҳавони адаштирар куй.**
**Стулда сиз ечиб қолдирган кийим,**
**Ва ҳали тартибга солинмаган уй.**
**Уюлиб ётибди — китоб, шеър, қалам,**
**Чанг босган гулларим таратар ифор.**
**Ташқаридан кўра шу ҳолида ҳам —**
**Менинг уйимдаги ҳаёт бахтиёр.**
**Боғлар аразлаган,**
**Нари кетган дашт,**
**Аммо ёғаверар ёмғир бетиним.**
**Менинг муҳаббатим билан аралаш —**
**Стулда сиз ечиб қолдирган кийим.**

Янги йилда ҳар бир уйга ёруғлик, ҳар бир хонадонга чин бахтиёрлик тилайман!

**Хосият РУСТАМОВА,**
**шоира**

---

# ҚАЛБЛАРДА ВАТАН ТУЙҒУСИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Яқинда ана шундай ижодкорлардан бир гуруҳининг шеърлари, насрий асарлари ва дастлабки адабий тадқиқотлари жамланган “Кафтдаги ниҳол” тўплами “Ижод” жамоат фонди ҳомийлигида чоп этилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган “Ватан учун яшайлик” ҳамда “Кафтдаги ниҳол” китобларининг тақдимотида таниқли адиблар ва адабиётшунослар мазкур китоблардан ўрин олган асарларнинг мазмуни, ижодкор маҳорати ҳамда адабиётимизда кўзга ташланаётган янгиланиш жараёнлари, ёшлар истеъдоди ҳақида мулоҳаза билдирдилар.

Умуман, адабий жараёндаги янгиликлар, нашриётлар томонидан чоп этилиб, кутубхоналарга, ўқувчиларга етказиб берилаётган китоблар адабиёт ихлосмандларини беэътибор қолдирмаётгани сир эмас. Бунга декабр ойининг сўнгги ўн кунлигида Ёзувчилар уюшмасида ўтказилган бир қатор китоблар тақдимоти тадбирларида ҳам яна бир карра амин бўлдик. Зеро, ҳар бир китоб, ҳар бир асар ноёб истеъдод маҳсули, ижодкорнинг одамларга айтадиган ёниқ сўзи, ўқувчига ҳадя этган кўнгил туҳфаси. Таниқли шоира Шарифа Салимованинг Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилган “Ватан суврати” китоби тақдимотида шеърият кенгаши фаоллари, шоир ва адабиётшунослар иштирок этиб, ушбу шеърлардан олган таассуротларини билдирдилар.

— Шарифа Салимованинг “Ватан суврати” тўпламига кирган шу номдаги қасида, “Она тили – миллат руҳи” бағишлови, “Бизга сўз айтсангиз, Ватандин айтинг” каби туркумлар, шеърлар – шоиранинг Ватан сувратини чизишга бўлган самимий уринишларидир, — деди Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов. — Шоира қалбининг туб-тубида ўзбек онасидай содда, заҳматкаш, мушфиқ она-Ватан сурати гавдаланиб туради.

Шоиранинг мазкур китобидан ўрин олган ўзига хос овоз ва қалб жозибаси билан зийнатланган бир қатор шеър ва достонлари тадбир иштирокчилари томонидан кенг таҳлил этилди.

Истеъдодли шоир Амирқул Каримнинг “Янги аср авлоди” нашриёти томонидан нашрдан чиққан “Шабнам тераётган қуёш” китоби ҳам тақдимотда иштирок этган шеърият мухлислари эътирофига сазовор бўлди. Ушбу китобга шоирнинг “Соҳибжамол”, “Сенинг гулларинг”, “Шабнам тераётган қуёш”, “Илинж”, “Оқ тунлар”, “Кузда гуллаган дарахт” шеърий тўпламлари, жаҳон адабиётидан айрим таржималари киритилган. Таниқли ижодкорлар шоирнинг ўзига хос услубда ёзган шеърларининг мазмун-моҳияти ҳақида фикр билдирар экан, бугунги кунда шеъриятимизда янгича талқинлар, ҳар бир мавзуга алоҳида истеъдод билан ёндашув яққол кўзга ташланаётганини таъкидладилар.

Таниқли адиб, Ўзбекистон санъат арбоби, Давлат мукофоти соҳиби Омон Мухторнинг “Узун йўлакдаги икки киши” китоби тақдимотида ҳам мустақиллик йилларида ўзбек насрида кўплаб янгиликлар рўй бергани, услуб ва қарашлар ранг-баранглиги ҳақида мулоҳазалар билдирилди. Наср кенгаши томонидан ўтказилган мазкур тадбирда Омон Мухтор ижодининг аҳамиятли жиҳатлари, ушбу китобига киритилган сўнгги йиллардаги ижод намуналари, ўй-кечинмалари ва кузатувлари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотганлиги таъкидланди. Адибнинг бир қатор романлари, қисса ва ҳикоялари, шу билан бирга, шеърлари ҳам адабиёт ихлосмандлари қалбидан жой олган. Уларда ёзувчининг ўзига хос услуби, кенг дунёқараши, жамиятдаги воқеаларга фалсафий муносабати юксак истеъдод билан акс эттирилган. “Узун йўлакдаги икки киши” китоби ҳам ёзувчи маҳоратининг яна бир намунаси десак муболаға бўлмайди.

Истеъдодли ёзувчи ва шоирларимиз фаол ижодга қизғин бел боғлаганликлари шу каби тадбирлар жараёнида янада аниқроқ кўзга ташланмоқда. Бу, албатта, миллий адабиётимизнинг келгуси тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Келаётган 2012 йил ҳам сермазмун асарларга янада бой бўлишига тилакдошмиз.

**Уйғун РЎЗИЕВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси масъул котиби**

---

# ҲАВАСКОРЛАР БЕЛЛАШДИ

Тошкент Фотосуратлар уйида фото ва видео ҳаваскорларнинг “Объективда номоддий маданий мерос” кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Халқ амалий санъати ва ҳунармандчилик анъаналари, байрамлар, табиат ва коинот билан боғлиқ маросимларнинг бадиий жараёнлари вилоятларда яшаб ижод қилаётган фото ва видео ҳаваскорлар асарларида ёрқин рангларда тасвирлангани ҳайъат томонидан алоҳида таъкидланди. 150 дан ортиқ фото, 26 та видео асар бамисоли ҳар бир вилоятнинг ўзбекона қўшиғидек акс-садо берди. Турли ракурсларда суратга олинган фотоасарларда номоддий маданий меросимизнинг бугуни ва ўтмиши нур ва соя чизгилари орқали бадиий ифодалаб берилгани фотографиянинг сирли оламига иқтидорли ижодкорлар кириб келаётганидан дарак беради.

Сурхон воҳасидан Гелдимурод Саидмаликовнинг асарларида қадим замин одамларининг қувончу ташвишлари, кўнгилларни ром этувчи ижрочилик санъати томошабинда катта таассурот уйғотиб, фикрлашга ундайди. Водийлик Орифжон Очилдиевнинг ишларида эса лирик туйғулар акси таъсирчан кўрсатиб берилган. Унинг “Кўқон ёр-ёри” фотоасарида байрам тадбирида миллий



қўшиғимизни маромига етказиб ижро этаётган онахонларимизнинг меҳр-муҳаббати сюжет ва композиция уйғунлиги асосида мангуликка муҳрланган. Асарда қадимий одатларимизни бугунги авлодларга етказиш ҳаракати репортаж жанрида акс эттирилган. Бу ҳақда ҳайъат раиси, Бадиий ижодкорлар уюшмаси шўъба раиси Рустам Шарипов шундай деди:

“Кўплаб муаллифлар ўз вилоятларидаги номоддий меросимизнинг турли соҳаларини ишонарли тасвирлаган. Айниқса, жиззахлик Назира Боймуродованинг ишларини алоҳида таъкидлаган бўлардим. Унинг “Келинчак”, “Кўҳна Бухоро”, “Бўстонлиқ мўъжизаси” каби фотоасарлари кўпчиликка манзур бўлди. Бундай фикрларни тошкентлик Раймберди Исломов, қорақалпоғистонлик Ажинияз Ўтепбергеновлар ижоди ҳақида ҳам айтиш мумкин”.

Ҳайъат қарорига кўра биринчи ўрин жиззахлик Назира Боймуродовага, иккинчи ўрин тошкентлик Раймберди Исломовга, учинчи ўрин фарғоналик Орифжон Очилдиевга берилди.

“Шаҳрисабз туман маданият ва спорт ишлари бўлими қошидаги “Ёшлик” халқ ҳаваскорлик киностудиясида суратга олинган “Асрлар садоси”, “Анҳор нидоси” каби миллий қадриятларимиз ва экологик муаммоларга бағишланган видеоасарлар томошабинларда катта таассурот қолдирди, — деди ҳайъат аъзоси, Санъат институти ўқитувчиси Абдураҳим Исмоилов. — Бухоро ва самарқандлик ижодкорларнинг видео асарларида маросим ва қадимий байрамларнинг замонавий кўринишдаги лавҳалари бадиий акс эттирилгани билан ажралиб туради. Кўрик-танлов видео соҳасида ижод қилаётган иқтидорли ёшларни кашф этди”.

Видео йўналиши бўйича биринчи ўрин Шаҳрисабз туман “Ёшлик” халқ ҳаваскорлик киностудияси жамоасига, иккинчи ўрин Бухоро вилоятидан Беҳзод Болтаевга, учинчи ўрин Самарқанд вилоятидан Шуҳрат Исоқуловга насиб этди.

**Султонбой ДЕҲҚОНОВ,**
**Муҳайё ҚУДРАТОВА**

---

**Хорижий нашрларда**

# “ДРУЖБА НАРОДОВ”




Дунё шеър муҳиблари орасида ўзбек шеъриятига қизиқиш ва ҳайрат бугун бошланмаган. Шеъриятимизнинг довруғи аллақачон узоқ-узоқларга етиб борган. Бу мухлислик юртимиз мустақиллигидан кейин чинакамига бошланди, десак муболаға қилган бўлмаймиз. Зеро, бу ҳар қандай пуч мафкурадан холи, бадиий шавқ нуқтаи назаридан келиб чиққан эҳтиёждир.

Москвада нашр этиладиган “Дружба народов” журнали 2011 йил декабр сонида икки ўзбек шоирининг туркум шеърларини ўз ўқувчиларига тақдим этди. Булар Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфи ва истеъдодли шоир Вафо Файзуллоҳ асарлари.

Журнал саҳифаларида Рауф Парфининг “Верлин”, “Сумбула” сонетлар гулдастаси, “Улдис Берзинш сўзни қаттиқ севар” каби шаклий кашфиётлари яққол кўзга ташланадиган битикларига ўрин берилган. Вафо Файзуллоҳнинг “Варраклар осмонга солинган кўприк”, “Қишлоқ томида ухлаётган ҳофиз бола”, “Пистоқи кўзалардан ҳўпладим Шарқни”, “Оҳу”, “Ақраб” шеърларида шарқона романтика, ўзбек ҳаётининг ўзига хос манзаралари рамз ва ташбеҳларда бўртган тажрибалари босилган. Туркумлар бошида ҳар иккала шоир шеърхонларга таништирилади. Мухтасар маълумотларда жумладан, Рауф Парфи шеъриятига шундай баҳо берилади: “Рауф Парфи замонавий ўзбек шеъриятида мактаб яратганлардан биридир. Адабиётга анъанавийлик билан янгиловчи сифатида кириб келган шоир, ҳар томонлама ва ҳар хил маҳсулдор изланишлар олиб бориб, шеър санъатида мураккаб ва бетакрор бир услуб дояси бўла олди”.

Шоирларимиз шеърларини таниқли рус шоири Герман Власов таржима қилган.

---

# Адабий-маърифий тадбир

Тошкент давлат шарқшунослик институтининг маданият саройида шарқ филологияси ва фалсафа факултети томонидан мисрлик машҳур адиб, Нобел мукофоти соҳиби Нажиб Маҳфуз таваллудининг 100 йиллигига бағишланган “Шарқ адабиётида Нобел мукофоти совриндорлари” адабий-маърифий тадбири ташкил этилди. Унда Нажиб Маҳфузнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида фикрлар айтилди, асарларидан айрим саҳна кўринишлари намойиш этилди. Шунингдек, Шарқ адабиётининг ёрқин намояндалари, Нобел мукофоти совриндорлари Кензабуро Оэ, Ясунари Кавабата, Гао Синтсзян, Рабиндранат Тҳакур ижодлари ҳақида ҳам сўз юритилди.

— Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад талабаларни Шарқ халқлари адабиёти, улуғ адиб ва ёзувчилар ижоди билан кенгроқ таништиришдан иборат, — деди филология фанлари номзоди, доцент Сарвиноз Сотиболдиева.

**Олима ЁРҚУЛОВА,**
**Доно КАРИМОВА,**
**Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факултети талабалари**

**Мавзуга қайтиб**

***Баъзида таҳририятга йўлланган бир мактуб адабий жараённинг пишиб етилган муаммосини жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқишда етарли туртки бўлади. Бундай хатлар, албатта, газета саҳифаларида ёритилади. Дарвоқе, "ЎзАС"нинг ўтган йилги 8-июл сонида эълон қилинган самарқандлик мухлисимиз Р.Азаматовнинг хатида шундай саволлар берилганди: "Билмоқчийдим, ўзи бу "Танланган асарлар", "Сайланма"ларнинг бир тартиби, мезони борми? Бундай нашрлар қандай тайёрланади? Қадимда мумтоз адабиётимиз вакиллари бундай мажмуаларга қандай қарашган?..".***

***Таҳририят бу хатда баён қилинган муаммо юзасидан мутахассисларга мурожаат қилиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини ёритди. Бироқ шу билан, кошки, муаммо ҳал бўлиб қолса. Айни кунларда китоб дўконларини танланмаган, балки тўпланган "сайланма"ларнинг янги нашрлари "безаб" турибди. Демак, бу мавзудаги чиқишларимиз бошланажак йилда ҳам давом этади. "Танланган", "сайланган" китоблар савияси, мазмун-мундарижаси жамоатчилик, ижодкорлар, олим ва ўқувчилар томонидан қизғин муҳокама этиладиган долзарб масала.***

***Газетанинг мазкур масалага бағишланган ("ЎзАС", 2010, 8-июл) саҳифасидаги мақолалар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотгани таҳририятга келаётган мақола ва хатларда аён кўриниб турибди. Улардан айримлари эълон ҳам қилинди. Бироқ жараённи зимдан кузатиб, "Қани, буёғи қандай бўларкан", деган ўйда сукут сақлаётган ижодкор ва адабиётшунослар ҳам йўқ эмас. Биз уларни фаолликка даъват этамиз.***

***Эсласангиз, ўша саҳифада "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти бош муҳаррири Аҳрор Аҳмедовнинг "Танланган"ми ё "тўпланган" сарлавҳали мақоласи ҳам берилган эди. Биз мақола муаллифидан ўтган қарийб олти ой ичида мақоланинг таъсирини сездингизми, тўпланган "сайланма"лар босими бироз камайдими, деб сўрадик.***

# СИРАСИНИ АЙТГАНДА...

Ўша мақоладан кейин, аввало, ўзим бироз қийин аҳволда қолдим. Кимдир табриклади, керак гапларни ёзибсиз, деди. Ранжиганлар ҳам, иддао қилганлар ҳам бўлди.

— Унақамас-да укажон, бундай гапларни ёзиш шартмас, унинг ўрнига тизим яратиш керак, тизим, — деди ҳурматли адибларимиздан бири.

Мен энсам қотганини яшириб ўтирмадим:

— Қандай қилиб тизим яратиб бўлади?! Мана, сиз ҳам «Сайланма»нгизни чоп этишимизни сўраяпсиз. Сизнинг "Сайланма"-нгизни тартиб-қоидаларга риоя қилмай, адабиёт мезонларини, ўқувчиларнинг талаб-истакларини инобатга олмай режага киритсак, биз ўзимиз яратган тизимни бузиб қўймаймизми? Китобингизга киритилган ҳар бир асар, адабий жанри, ҳажмидан қатъий назар, "Сайланма" даражасига жавоб бера оладими? Тизимни нашриёт ўзи, ўз шароитидан келиб чиқиб яратади...

Хуллас, суҳбатимиз қовушмади. Адиб кетар чоғи: "Илтимос, китобни тезлатиш ҳақида яна бир ўйлаб кўрсангиз, укажон», деди. Ана сизга тизим...

***Сирасини айтганда, «Танланган асарлар», «Сайланма» китобларни тўхтатиб бўлмайди, тўхтатиш ҳақида ўйлашнинг ўзи нотўғри бўлади. Фақат уларни жамлаш, тартиб бериш, ёндашувларни янгилаш керакка ўхшайди. Бироқ худди шу масалада адиб ва ношир ўртасида бир тўхтамга келиш қийин кечаётир.***



Ношир фақат бугунги ўқувчи ўқийдиган, бозор кўтарадиган асарларни сайлашни ўйлайди. Муаллиф эса хронологик тарзда нимаики ёзган бўлса ҳаммасини жамлаш, туркумга киритиш пайида бўлади. Муаммо шунда. Адибнинг умри мобайнида, айтайлик, жами 7 та китоби чиққан бўлса "Танланган асарлар"и ҳам 7 жилд бўлишини, камига охирги саккизинчисига ёзишмалари, кечинмалари, хатлар, қутлов, табрикларни киритишни хоҳлайди. Бирор-бир муаллиф йиллар давомида чиқарган 15 та китобини олиб келиб, шундан бир томлик «Танланган асарлар» чиқариб беришни сўраса, бу ҳақиқатан танланган асарлар бўлар эди.

Мен «Сайланма» ёки «Танланган асарлар» чиқарадиган ёшга, даражага етдимми ўзи, аввал китоб дўконларидаги китобларимнинг тақдири билан бир шуғулланиб кўрай, дейдиган муаллифларга тан берасан, киши.

Умуман, биз жамоатчилик олдида уялиб қоладиган асарлар чиқармасликка ҳаракат қиляпмиз. Лекин ҳозир бу жараён шу қадар урф бўлдики, ўзини ижодкор санайдиган ҳар қандай ёзувчи, шоир "Сайланма" чиқариш ҳаракатига тушаяпти. Бу ният яхши, лекин ёзилганни саралаш, тўпланганни танлаш, сайлаш кераклигини унутмаслик лозим. Бу, аввало, адибнинг ўзига, ижодига нисбатан талаби кучлилигини, китобхонларга ҳурмат билан қарашини англатади. Қолаверса, фалон асарларини "Сайланма"га киритмаса ҳам бўларди, дегандан кўра, анави зўр асари нега китобга кирмай қопти, дея ўқувчи баҳолагани ҳам маъқул эмасми?

Мен ёзувчиман, сотувчи эмас, керак бўлса ўқувчи ўзи топиб ўқисин, дейдиган замонлар ўтиб кетди. Ҳамма соҳада бозор тамойиллари устувор бўлган ҳозирги замонда айрим адибларнинг аксарияти буни тан олгиси келмайди. Уларнинг назарида китоби қўлёзмаси нашриётларда туриб қолмаслиги керак, тезда «ўқувчиси» (агар у бор бўлса) қўлма-қўл ўқиши керак. Афсуски, бундай эмас. Китоби дўконда туриб қолса, аввал нашриёт, кейин ўқувчи айбдор. Фақат ўзи эмас. Мана шу кайфиятни, димоғдорликни йўқотсак ишларимиз юришиб кетади.

Барча ижодкор биродарларимизни, ўқувчиларимизни янги йил билан чин кўнгилдан самимий муборакбод этаман. Янги йил яхши китоблар йили бўлишини истаб қоламиз.

**Аҳрор АҲМЕДОВ,**
**"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти бош муҳаррири**

## "ЎзАС" 2010

*"Китоб ёзиш, нашр этиш, сотишдек барча жараёнлар муаллиф зиммасида. Хусусий, масъулияти чекланган нашриётлар елкасининг чуқури ҳам офтоб кўрадиган бўлиб қолди. Пул бўлса чангалда шўрва, дегандек ҳўлу қуруқ машқлардан, қораламалардан иборат "асар"ларни муқовалаш билан овора. Яна китобларнинг бадиий, илмий савиясига нашриёт жавобгар эмас, деб қайд этиб ҳам қўйишади. Қизиқ, ғалати ҳолат. Така бўлсаям сут берсин, қабилида пул кетидан қувишдек рақобат ўнлаб нашриётлар аъмолига айланиб қолди. Китобларнинг бадиий-эстетик савиясининоширлар ўз зиммасидан соқит қилса, адабий танқидчилик кўникиб қолгандек лом-мим деб оғиз очмаса, миллатнинг бадиий диди, жамиятнинг эстетик савияси учун ким жон койитади?!"*

***Нўъмон РАҲИМЖОНОВ,***
***"Бош мезон — бадиият", 8 июл, 28-сон.***

# Таниш ва қадрли эпкин

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг ўтган йилги сонларида биз яна олдинги таниш ва қадрли эпкинни ҳис қилдик. Яқинда мактабимизда тил ва адабиёт ўқитувчиси Санобар Султонова 9-синф ўқувчиларига Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижоди бўйича очиқ дарс ўтди. Машғулотда дарсликдан ташқари ушбу газетада чоп этилган мақолалардан ҳам фойдаланилди. Очиқ дарсда 90 нафардан ортиқ битирувчи ва бир нечта ўқитувчи иштирок этди. Дарс жуда қизиқарли тус олди ва бирин-кетин бошқа ўқитувчилар ҳам бу тадбирда иштирок этиш учун кириб кела бошлади. Қизғин баҳс, мунозара ва мулоҳазалар тўрт соатча давом этди.

Таълимнинг муҳим бўғини бўлган ўрта умумтаълим дастурида Бобораҳим Машраб ижодига ҳам алоҳида ўрин ажратилган. Дарслик, ўқув қўлланма, олий ўқув юртларига кирувчилар фойдаланиши учун мўлжалланган жамланмаларда шоир фаолиятига оид бир-бирига зид маълумотлар берилгани устозларни ноқулай вазиятга солиб қўяди. 2010-2011 йиллари "ЎзАС" газетасида А.Жуманазар, Ж.Юсупов, Э.Мусурмонов, А.Жаббор, П.Равшанов, О.Равшанов каби муаллифларнинг Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодига бағишланган туркум мақолалари эълон қилиниши ва

**Яхши ният...**

улардаги баҳс-мунозаралар кўп чигалликларга ойдинлик киритди.

Ушбу баҳслар биз яшаётган "Хўжа Имкана" қишлоғи тарихига ҳам тегишлидир. Чунки мужаддидия тариқати асосчиларидан бири хожа Муҳаммад Боқибиллоҳ Деҳлавий Кешга келиб, мавлоно Хожаги Абдулбоқи Имканагийдан (1512-1600) таълим олган эканлар. 2012 йили бу кишининг таваллудига 500 йил тўлади. Ушбу хайрли сана муносабати билан мавлононинг қишлоқда сақланиб қолган зиёратгоҳи ва тарихий обидаларнинг таъмирланишига жиддийроқ эътибор қаратилишидан умидвормиз.

Айни пайтда миллий мумтоз адабиёт тарихини ёритишда ҳормай-толмай хизмат қилиб келаётган "ЎзАС" таҳририяти ходимларига 2012 йилда янги-янги муваффақиятлар тилаб қоламиз. Газетангиз жонли ва миллий маънавиятимиз равнақи учун хизмат қиладиган жиддий мақолаларга бой бўлсин, саҳифаларидан мухлислар соғиниб, кутиб яшайдиган ўша қадимий таниш ва қадрли эпкин ҳамиша эсиб турсин.

Ҳа, айтгандай, энг муҳим гап қолиб кетибди. Ўша тўрт соат давом этган очиқ дарс – баҳс, мунозаралар якунида мактабимиздан ўн нафар ўқитувчи ва ўқувчи "Ўзбекистон адабиёти ва санъати"га обуна бўлди.

**Ғолибхон ҲОШИМОВ,**
**Китоб туманидаги 81-ўрта мактабнинг тарих фани ўқитувчиси**

***Мумтоз адабиётимиз — маданиятимиз, маънавиятимиз сарчашмаси. Бебаҳо бу мерос билан фахрланишга ҳақлимиз. Уни ўрганиб, тадқиқ ва таҳлил этиб, халқимизни, ёш авлодни баҳраманд қилиш қутлуғ вазифалардан.***

***Газетамиз ўтган йилги деярли барча сонларида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ижодиётига бағишланган мақолаларни эълон қилди. "Танқид. Адабиётшунослик" саҳифаси таниқли адабиётшуносларнинг янги тадқиқотлари билан мазмундор бўлди. Таҳририят айни мавзудаги теран мазмунли чиқишлари билан ҳамкорлик қилган олимлар Нажмиддин Комилов, Суйима Ғаниева, Ваҳоб Раҳмонов, Иброҳим Ҳаққулов, Дилором Салоҳий, Нусратулла Жумахўжа ва бошқа фаол муаллифларга ташаккур билдиради.***

***Янги йилда ҳам бу ҳамкорлик давом этади, Навоий асарлари тарғиботи, матншунослик муаммолари, умуман, мумтоз адабиётимиз тадқиқига доир изланишлар, тадқиқот-ахборотлар изчил ёритиб борилади.***

***Бу йўналишда ўтган йилги чиқишлар марказида, шубҳасиз, Машрабнинг таржимаи ҳоли ва "Мабдаи нур" асари муаллифи муаммосига оид баҳс турди. Ўндан ортиқ мақолада бу мавзуда билдирилган турли хил фикрлар янгиликларга бойлиги, холислиги ва чинакам зиёлиларга хос маданият билан айтилгани сабабли кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Хусусан, икки Машрабнинг узоқ йиллардан буён мавҳум бўлиб келаётган тарихи анча ёришгандек бўлди. Муҳими, мазкур баҳс ўзбек мумтоз адабиёти тарихини илмий ўрганишда янги бир жараён бошланаётганини дараклади, десак янглишмаймиз. Келгуси йилда ҳам тадқиқотчилар, адабиётшунос, матншунослар бу каби муаммоли масалаларни ёритишда таҳририятга елкадош бўлади, деб умид қиламиз. Мунозарада иштрок этган муаллифларга самимий миннатдорлик билдирамиз.***

***Баҳсни бошлаб берган ва унинг муносиб тарзда давом этишида жонбозлик кўрсатган ёш тадқиқотчи олим Абдусаттор ЖУМАНАЗАРга айрим саволлар билан мурожаат этиб, мухтасар жавобларини сиз азиз ўқувчиларимизга етказишни лозим топдик.***

***ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК БЎЛИМИ***

# ЎТМИШГА ДАХЛДОР

## ҳамма нарсанинг ўз ўрни бор

*— Газетамизда эълон қилинган туркум мақолаларингиз қизғин мунозараларга сабаб бўлди. Улар орқали ўзбек мумтоз адабиёти тарихида бош қотириш зарур бўлган ҳали анчагина масалалар мавжудлиги тиниқроқ кўриниб қолди...*

— "Мабдаи нур" асари ва Машраб таржимаи ҳоли муаммоси билан боғлиқ мақолаларни назарда тутаётган бўлсангиз, айтишим жоиз, бундай масалаларнинг ўндан ортиғи ўз ечимини кутиб турибди. Аҳмад Яссавий, шайх Мухтор Валий, Муҳиббий (Қулбобо Кўкалтош), Сўфи Оллоҳёр ва яна бир неча машҳур тарихий шахслар, адиблар ҳаётига, албатта, аниқликлар киритилиши зарур.



*— Ижодкорнинг адабий меросини ўрганишда унинг таржимаи ҳолини аниқ билиш шунчалик муҳим, деб ҳисоблайсизми?*

— Зарғалдоқ ёки булбулнинг сайрашини эшитганмисиз? Мен кўп тинглаганман. Сеҳрли овоз, илоҳий оҳанг соҳибларининг ўзини ҳам кўришни орзу қилардим. Бир куни, ниҳоят, деразам олдидаги дарахтда сайрайдиган булбулларга яқинлашиш йўлини топдим. Орамизда бир-бир ярим қадам қоларди. Улар мендан ҳуркмай қўйди. Зарғалдоқ товушидан ҳам гўзалроқ кўринди кўзимга... Адабиётга муносабатим ҳам шундай.

***Дунё миллатнинг асл қиёфасини кўпроқ илм, ижод аҳли тафаккури ва асарлари орқали кўради, танийди. Жамиятда бошқа ҳеч бир соҳа бу вазифани улардек мақомига етказиб бажара олмайди. Улардаги теранлик, аниқлик, юксак бадиият ва ҳақгўйлик миллат чеҳрасига нур бағишлайди, безайди...***

Ўтмишга дахлдор ҳамма нарсанинг ўз ўрни бор. Бирортасини эътиборга олмасангиз, ўрни бўш қолади. Бўш ўринлар кўпайса каттаради ва ўпқонбўшлиқлар ҳосил қилади. Уларни "пуч ёнғоқ"лар билан тўлдириб бўлмайди. Шундай экан, ўтмишнинг энг майда бўлакчаси ҳам эътиборга олингани ва ўз ўрнига қўйилгани маъқул.

*— Мақола чиққач, эътирозлар бўлишини кутганмидингиз?*

— Ҳа.

*— Баҳсдан чўчимадингизми?*

— Баҳсда: "Али Хўжа"ни "Йў-ўқ, у аслида "Хўжа Али", дея бақир-чақир қилишдан чўчиш керак. Хавотирим шу эди. Мунозарада айтилган фикрлар хулосаларим ишончлироқ шаклланишига кўмаклашди.

*— Баъзан биздан Абдусаттор Жуманазар, деган муаллифни қаердан топдинглар, деб сўраб қолишади. Ҳақиқатан, бу майдонда сизни илгари учратмаган эдик. Ўқувчилар назарида "тўсатдан" пайдо бўлиб қолганингизни қандай изоҳлайсиз?*

— Ҳамма ҳам шундай ҳисобламаса керак. Тошкентга кеч келганман. Самолётсозлик корхонасида ишладим, шарқшуносликда ўқидим. Миад Ҳаким, Рауф Парфи, Абдуғафур Расулов, Машраб Бобоев, Икром Отамурод, Сирожиддин Сайййд, Эшқобил Шукур, Қулман Очил каби кўплаб устозлар, дўстлар топдим. Айримлари билан бирга ишладик. Ҳозир ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида юртимиз ўтмишига оид тадқиқотлар билан шуғулланаман. Ўқувчиларни қизиқтирадиган ва бугунги жамият кишиси билиши керак бўлган янги маълумотлар жуда кўп. Баъзилари мақола ва китоб ("Ишқийлар тарихи", "Бухоро мадрасалари", "Кеш") ҳолида нашрга тайёрлаб қўйилди. Менинг назаримда, ҳеч бир иш "тўсатдан" содир бўлаётгани йўқ.

*— Айни дамда яна қандай мақола устида ишлаяпсиз?*

— Сўфи Оллоҳёр ва унинг устозлари Халифа Наврўз Кеший, Ҳожи Ҳабибуллоҳ ҳақида икки қисмдан иборат мақолани таҳририятга топширдим. Соҳибқирон Амир Темур тарихига оид янги маълумотлар йиғилиб қолди. Хуллас, иш кўп...

## "ЎзАС" 2010

*"Алишер Навоий — буюк шоир ва мутафаккир зот. Бу ҳақиқат қуёшдай барчага аён. Қуёшнинг таърифини такрорлайвериш эса, шарт эмас. Аммо ана шу буюклик қудратининг ҳар бир асарда намоён бўлишини таҳлил қилиб кўрсатиш, маънолар жилосини англаш ва ундан ҳузурланиш, албатта, фойдалидир...*

*Навоий тасвирида дунёвий ва илоҳий маънолар бирга, бири иккинчисини изоҳлаб, тўлдириб келади. Бошқача айтганда, образлар мажозий (дунёвий), маънолар эса илоҳий."*

***Нажмиддин КОМИЛОВ,***
***"Ишқ оташгоҳи", 4 феврал 6-сон.***

# ОММАВИЙЛИКМИ ЁКИ МАНЗУРЛИК?

Ҳар қандай ижодкор ўз асарида тасвирлаган воқеалар, қаҳрамонлари, улар орқали илгари сурган концепцияси кенг оммага маъқул келишини, китобхонлар қўлдан қўймай ўқишини истайди, кўпчилик орасида шуҳрат топишга интилади. Адабиётшуносликда бундай эътиборга муяссар бўлиш оммавийлик деб аталади. Бу борада академик И.Султонов шундай ёзган эди: "Адабиётнинг бу хусусиятини кўрсатувчи термин адабиётшуносликда ҳали йўқ . Биз адабиётнинг бу хусусиятини оммавийлик деб аташга қарор бердик.

**Бадиият ва назария**

Оммавийликка интилиш — адабиётнинг қадимдан тан олинган ва жуда муҳим вазифасидир. Бу вазифа адабиётни яратувчилар томонидан стихияли ёки онгли равишда адо этилиб келинмоқда...

Адабиётнинг оммавий характери, яъни адабиёт асарларининг энг кенг аудиторияга мўлжаллаб ёзиш эҳтиёжи халқлар тарихида ажойиб бир ҳодисани — халқ тилида бадиий адабиёт учун кураш ҳаракатини келтириб чиқаради". Ушбу фикрининг исботига муаллиф Дантенинг лотин тилида ёзишдан воз кечиб, асарларини италян тилида битганлигини мисол тариқасида келтиради ва фикрини давом эттириб, бу ҳол Ўрта Осиё халқлари тарихида ҳам рўй берганини таъкидлаб, оммавийлик ўзбек адабиёти тарихида ҳам стихияли тарзда эмас, балки онгли равишда рўй берган, деб хулоса ясайди. Ўз хулосасининг тасдиғи учун Навоийнинг "Хамса"сидан иқтибос келтиради. Домла собиқ шўро даври қарашлари таъсириданми, бироз мантиққа зид фикрни баён этади: "Навоий худди Пушкин каби ўз асарларининг келажак авлодлар томонидан ҳам қадрланишини ўз "Хамса"сида орзу қилади. Бу факт ҳам оммавийликка интилиш..." ("Адабиёт назарияси", 1978).

Демак, олимнинг фикрича, ўз она тилида кенг омма учун ёзилган асар оммавий бўлади. Оммавийликнинг асосий хусусияти шундан иборат. Адабиётшунос Ҳ.Умуров "Адабиёт назарияси" дарслигида ёзишича, адабиёт доимо "оммавийликка суянади, ўз тасдиғини жамият фикридан олади". Лекин бу фикрларга қўшилиб бўлмайди. Чунки бадиий асар барча бирдай тушунадиган тарзда омма савиясига мослаб ёзилса, ўзининг гўзаллигини, жозибадорлигини йўқотади.

***Чинакам бадиий асарни англаш шаклланган эстетик дидни талаб этади, бу эса маърифатли кишиларга хосдир. Асардаги воқеаларнинг қизиқарлигига мафтунлик эмас, балки уларнинг моҳиятини англаш, қаҳрамонлари тақдири, қисматидан муайян хулоса ясаб, ўзини саодат йўлига бошлаши, одам ва оламнинг сир-асрорини англаш сўз санъатидан хабардор кишиларга хос хусусиятдир.***

Оддий омма адабиётнинг бу хусусиятларини идрок этмайди. Ҳатто ҳозирги кунда ҳам "Ўтган кунлар" романи ҳақидаги тушунчаси Кумушнинг фожиасига ачинишу унинг қотили Зайнабни қоралашдан ўтмайдиган одамлар жуда кўп. Қолаверса, умрида бирорта романни ўқимаганлар ҳам бисёр. Табиий фанлар билан шуғулланадиган олимлар орасида адабиётни енгил юмуш, деб биладиганлари ҳам учрайди. Мен марҳум истеъдодли адабиётшунос олим Талъат Солиҳовнинг бир математик олим, академикнинг: "Талъатжон, сизларга мазза-да, бош қотирмайсизлар, ҳамма ўқийдиган нарсани ўқийсизларда, гапириб берасизлар", деганини куюниб гапирганини яхши эслайман.

Адибнинг яхши асар ёзишни орзу қилиши оммавий асар ёзиш, дегани эмас. Балки кўпчиликка мақбул бўладиган, ҳаётдаги муаммоларни ечишда кўмак берадиган, одамларнинг ҳаётга қарашларини ўзгартирадиган, турғун ҳолатдан чиқишига чорлайдиган таъсир кучига эга бўлган асарлар яратишга интилишдир. Бундай фазилатлардан холи асарни ҳар қанча оммалаштиришга уринилмасин, у оммалашмайди, халқ қалбидан жой олмайди. Бунга адабиётлар тарихида мисол кўп. Шўро даврида М.Горькийнинг "Она" романини оммалаштириш ва халқ онгига сингдириш учун социалистик реализмнинг биринчи асари сифатида сон-саноқсиз китоблару дарсликлардан тортиб, киноларда ҳам тарғиб қилинган эди, социалистик мамлакатлар халқлари тилларига ағдарилганди. Бугунги кунда бу асарни ҳеч ким ўқимайди, тилга ҳам олмайди. Лекин Лев Толстойнинг "Уруш ва тинчлик", Шолоховнинг "Тинч Дон" эпопеялари ўқиляпти. Достоевскийнинг "Жиноят ва жазо" романи ҳам назардан четда қолгани йўқ.

Хуллас, чинакам бадиий асарни оммавий дейиш мантиққа зид. Хусусан, Навоий шеърияти ҳеч қачон оммавий бўлмаган, ҳозир ҳам оммавий эмас. Чунки бу шеъриятни оддий одам бу ёқда турсин, адабиёт мутахассиси ҳам теран англай олади, дейиш қийин. Шу нуқтаи назардан "Адабиёт назарияси"-даги "оммавийлик" атамасини манзурлик деб, унга қуйидагича таъриф берган маъқул. Китобхонни комиллик сари интилишга чорлайдиган, жамият тараққиётига хизмат қилишга йўналтирадиган ҳаётбахш, умумбашарий ғоялар билан йўғрилган, воқеалари ва қаҳрамонларининг ўйлари, хатти-ҳаракати, ҳис-туйғулари жозибали, табиий ва ҳаётий асарлар кўпчиликка манзур асарлардир. Назаримизда, манзурлик деганда шундай мазмун-моҳиятга эга асарларни тушунмоқ мақсадга мувофиқ.

**Ҳакимжон КАРИМОВ,**
**филология фанлари доктори**

***Профессор Ҳ.Каримовнинг "Оммавийликми ёки манзурлик?" мақоласи, гарчи адабиёт назариясига доир масалага тааллуқли бўлса-да, бугунги адабий жараёнга ҳам дахлдор. Зеро, "оммавийлик" атамасига собиқ шўро даврида сингдирилган "қизил мафкура"ни тарих инкор этди. Бироқ "оммавий адабиёт", "бозор адабиёти", "бозорбоп китоблар" сингари ибораларга тез-тез дуч келамиз. Демак, ҳам назарияда, ҳам адабий жараёнда бу иборани ўрнида қўллаш, унга аниқ таъриф, тавсиф бериш лозим. Бу масалада назариётчи олимлардан жўяли фикр-мулоҳазалар кутамиз.***

***Жаҳон адабиётшунослигида бу атама турлича қўлланилади. Масалан, таниқли рус олими В.Е.Хализов оммавий адабиётни ("масовая литература") чинакам бадиий маданиятдан йироқ, шаклланган дидга эга бўлмаган, мустақил фикрлаб асарга баҳо бера олмайдиган, шунчаки қизиқиб, эрмак ёки вақт ўтказиш учун китоб ўқийдиган ўқувчиларга мўлжалланган асарлар, дея таърифлайди. Инглиз, немис, француз мутахассисларининг "популярная (popular)", "тривиальная", "пара литература" атамаларига берган таърифлари ҳам мазмунан В.Е.Хализов таърифига яқин. Бундан англашиладики, оммавий адабиёт барча минтақаларда мавжуд, демак, унинг харидори ҳам бор.***

***Бугун китоб дўконлари пештахталарини тўлдириб турган оммавий адабиёт "намуналари"га муносабат қандай бўлиши керак? Шубҳасиз, хусусий газеталарда узлуксиз эълон қилинаётган, нашриётларда кўп нусхаларда чоп этилаётган бундай асарларга адабий танқиднинг ҳозиржавоб баҳоси зарур. Дидни ўтмаслаштирадиган, бадиий сўз қадрини туширадиган қораламаларнинг адабиётга алоқаси йўқ, бундай "асарлар" таҳлилга арзимайди, деб қараш ўринлими?***

***Газетанинг янги йилдаги сонларида айни шу мавзуга доир чиқишлар қилиш ниятидамиз. Бу борада мунаққидлардан, ижодкорлардан, ноширлар ва китобхонлардан айни мавзуда асосли, холис фикр-мулоҳазалар, таҳлилий мақола ва янги тадқиқотлар кутамиз. Зеро, оммавий адабиётнинг назарий жиҳатларини ёритиш қанчалик муҳим бўлса, бу ҳодисанинг адабий жараёндаги кўринишларига ўз вақтида тегишли баҳо бериш ҳам шунчалик долзарб масаладир.***

***ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК БЎЛИМИ***

**Журналларни варақлаганда**

## "ЖАҲОН АДАБИЁТИ"

### 2011 йил, ноябр ойи сони

Журналнинг ушбу сони мундарижасини бойитган, унга салмоқ ва ранг-баранглик бағишлаган асарлар орасида жаҳон адабиёти классиклари америкалик Фрэнсис Скотт Фицжеральднинг "Буюк Гэтсби" романи (русчадан Назира Жўраева таржимаси) ҳамда Фёдор Достоевскийнинг "Мактублар"ини (Абдуҳамид Пардаев таржимаси) алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўтган асрда озарбойжон реалистик насрини янги мақомга кўтарган атоқли адиб Жалил Маматқулзоданинг "Донобош қишлоғи аҳволотлари" асари (озарбойжончадан Усмон Қўчқор таржимаси), веналик машҳур драматург ёки ёзувчи Артур Шницлернинг ҳикоялари (рус тилидан Дилдора Алиева таржимаси) ҳам журналхонлар томонидан катта қизиқиш билан мутолаа қилинишига шубҳа йўқ.



Ҳассос турк шоири Нодим Учар шеъриятидан намуналар билан ҳам журналнинг ушбу сонида танишасиз. Шоирнинг тўртликларини турк тилидан Алишер Турсунов ағдарган. А.Пушкин ва М.Лермонтовнинг Рамз Бобожон таржимасидаги бир туркум шеърларининг берилгани ёш таржимонлар учун ўзига хос дарс вазифасини ўтайди.

Журналнинг ушбу сонида ижтимоий ҳаётнинг, адабиётшуносликнинг долзарб муаммолари ёритилган бир қатор мақолалар, тадқиқотлар босилган. Жумладан, "Публицистика" рукнида берилган Ш.Ризаевнинг "Раҳнамо шахс иродаси", А.Мелибоевнинг "Иккинчи тўлқин муқаррарми?", адабиётшунос олим Н.Раҳимжоновнинг "Дарё мавжларига ёзилмиш ғазал", тадқиқотчи Ҳ.Муҳамедованинг "Порлоқ келажак башоратчиси" мақолалари, янги нашрларга бағишланган тақризлар шулар жумласидандир.

Детектив адабиёт ишқибозлари Густав Эмарнинг "Соҳибчангал" романи давоми билан танишадилар.

## Мен айтиб турай, сен ёз!

1960 йили мен эндигина университетни битириб, ёшлар нашриётида иш бошлаган эдим. Торгина хонада тўрт киши ўтирардик: уч муҳаррир ва мен — кичик муҳаррир.

Бир куни хонамизга орден таққан кекса бир одам кириб келди ва салом-аликдан сўнг: “Менга шоир керак, ичингизда ким шоир?”, деб сўради. Нашриётнинг энг катта шоири Қудрат Ҳикмат эди. Лекин у кишининг чоллар билан суҳбат қуришга тоби йўқ эди, шекилли, меҳмонга пойгакда ўтирган мени кўрсатиб, ана шоир, деди ва ўзи ўтирган стулни қарияга бўшатиб ташқарига чиқди. Қолганлар ҳам бирин-сирин чекиш баҳонасида хонани тарк этдилар. Қария стулга бафуржа чўкиб, муддаони баён қилди:

— Гап бундай, ўғлим, ёшим етмишдан ошди, урушни кўрдим, Фарғона каналида ишладим, колхоз қурилишида қатнашдим. Кўрган кечирганларим ўзим билан кетмасин, мен айтиб турай, сен ёз. Айтаберсам катта рўмон бўлади.

Ёши улуғ, муҳтарам меҳмонга қандай баҳона қилишни билмай турган эдим, “рўмон” сўзи жонимга оро кирди.

— Мен рўмон ёзмайман, — дедим афсус оҳангида, — фақат шеър ёзаман.

— Барибир эмасми, — дея эътироз қилди меҳмон. — Биз китоб ёзадиганларнинг ҳаммасини “шоир” деймиз.

Хуллас, ўша куни орденли қарияни хурсанд қилолмадим. Минг узр ва баҳоналар айтиб кузатдим. Чолнинг ғамгин чеҳраси кўз ўнгимдан кетмайди. Мана бугун замонлар ўтиб ўзим дунёнинг аччиқ-чучугини тотиб кўргач ўша қариянинг эҳтиёжини сезиб турибман. Бирор қаламкашга, мен айтиб турай сен ёз, дегим келади-ю, аммо мен қалбдан кечирган туйғуларни ким ўзимдек баён қилолади?

Инсон умрида кўрган кечирганларини ёзиб чиқса яна битта умр керак бўлади. Ўйласам, ўтган фурсат оқиб кетган қум экан. Ботмонлаб қумдан мисқоллаб олтин олинганидек ҳаётинг мазмуни бўлган, сени инсон қилиб шакллантирган, дил тубига чўккан олтин лаҳзалар бўлар экан. Бундоқ бойликни фарзандларга мерос қилиб қолдирса арзийди. Яхши ният билан қўлга қалам олдим. Кўрганларим сиз ёшларга ибрат бўлсин, мен қоқилган тошларга сиз қоқилманг, дейман. Биз бош урган баланд деворларни, биз тўрт букилиб кирган паст эшикларни сиз кўрманг. Ўзга олам, ўзга даврон, озод ва обод Ватан сизники. Йўлингиз ойдин бўлсин.

## Ҳаётнинг биринчи зарбаси

1962 йилда мени бир гуруҳ ноширлар қаторида Боку ва Ереванга, Озарбайжон ва Арманистон нашриётчилари билан тажриба алмашиш учун сафарга юборишди. Кавказнинг сеҳрли манзаралари, денгизу тоғлари мени лол қолдириб, бир туркум романтик руҳдаги шеърлар ёзган эдим. Айниқса, ғазалларини жондан севиб қолганим Муҳаммад Фузулийнинг мармар сиймосини Бокуда кўриб чексиз ҳаяжонга тушганман. Ўшанда бамисоли ўз-ўзидан қуюлиб келган “Фузулий ҳайкали қошида” шеъри мен учун ҳали-ҳамон қадрлидир.

Ўшанда мен мумтоз шоир шеърларига маҳлиё бўлиб, ўзим ёзган сатрлардан ўзим завқланиб юрганимда, бу шеър менга талай кўргиликлар келтиришини ўйлабмидим?



Шеър “Ўзбекистон маданияти” газетасида босилгач кўп ўтмай, Ёзувчилар уюшмасининг йиғинида ушбу даргоҳ раҳбарларидан бири мени аёвсиз танқид остига олиб, шеърларимни сиёсий тутуриқсизликда, ёт ғояларни тарғиб қилишда, пессимизм ва яна аллақанча мен тушунмаган “изм”ларда айблади. Танқид марказида “Фузулий ҳайкали қошида” турди: “Бизлар, — деди нотиқ, — ёш шоирни Кавказга сафарга юборганимизда у Боку нефтчиларининг қаҳрамонлик меҳнатидан илҳом олиб, кўкка бўй чўзган нефт қурилмалари ҳақида залворли шеърлар ёзар, деб ўйлаган эдик. У бўлса аллақайси шоирнинг кўз-ёшларини шеърга солибди. Партия шоирлар олдига улкан вазифалар қўйиб турганда, бундай ижод намуналарини ёзиш ўтакетган масъулиятсизликдир!” Ўшанда гулдурос қарсаклар билан қарши олинган оташин бу нутқ Ёзувчилар уюшмаси деворларидан ошиб, компартия ва комсомолнинг баланд минбарларига кўтарилди. Аввал менинг исмим комсомол съездида маърузага тушди, сўнг Ўзкомпартия котибининг пленумдаги нутқида тилга олинди. Барча танқиднинг мазмуни ўша Ёзувчилар уюшмасидаги дашномнинг ўзи эди.

***Ёш умидли шоир бўлиб юрган йигит бир лаҳзада буржуа ғояларини ташувчи ёт унсурга айланиб қолдим. Менинг изтиробли, аламли, ички исён билан тўлиб тошган кунларим бошланди.***

Ҳар балонинг дафъи бор, ҳар зарарнинг нафъи бор, дейдилар. Юқори даргоҳларнинг ғазабли наъраси акс-садо бериб, элдан менга эътибор, ҳамдардлик бўлиб қайтди. Танимаганлар таниди. Бирор шоирни халқ ичида машҳур қиламан, деган ҳукумат унга мақтовлар ёғдириб тарғиботлар қилмасин, балки аёвсиз дўппосласин экан. Айниқса, шўро давридаги каби эл назаридан қолган ҳукумат учун бундай тескари тадбир айни муддао бўлар экан.

Шундай қилиб менинг ҳеч ким танимаган номим миш-мишлар қанотида элга тарқалди, биров ўқимаган шеърларим қидириб топиб ўқиладиган бўлди. Ахир, Ўзкомпартиянинг мафкура котиби ўзи олий фирқа минбаридан тилга олиб турса мен машҳур бўлмай ким машҳур бўлсин?

**Адиб ва жамият**

Менга томон йўналтирилган қудратли зарба бамисоли митти қушга қарата отилган замбарак эди. Бу зарба ҳар жиҳатдан менга фойдали бўлди. Аввало мени элга танитди, ўз юртимда ва қардош халқлар ичида дўст ва хайрихоҳларим кўпайди. Ўзим хушёр тортиб, ёшлик, ҳаваскорлик қобиғини тезроқ ёриб чиқишим учун ҳам бундай “совуқ сув”нинг фойдаси бўлди.

Аслида бизнинг устимизга етиб келган қора булутларнинг туғилган макони Москов шаҳри эди. Шўро раҳбари Никита Хрушевнинг бир гуруҳ янгича фикрловчи ижодкорларга минбарни муштлаб қилган дағдағаси, мафкурада мен сталинчиман, дея ўшқирган овози Тошкентда ҳам акс-садо берган эди. Московдаги каби бу ерда ҳам адашган ёш ижодкорларни топиб танбеҳ бериш керак эди. Шу талабга “лаббай” деб жавоб берган ўзимиз бўлиб чиқдик.

Бу тарихни эслашдан мақсад зинҳор ўзимни ўтмиш жабрдийдаси қилиб кўрсатиш эмас. Шукрки, ўттизинчи ёки эллигинчи йилларнинг довуллари бизнинг бошимизга келмади. Давр бошқа, муҳит бошқа эди. Ҳаётнинг илк зарбасидан омон чиқдик, лекин синовлар ҳали олдинда эди.

**Эркин ВОҲИДОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири**

# ДИЛ ТУБИГА ЧЎККАН ЛАҲЗАЛАР

## Болалигим боғлари

Тахтапулдан чиқиб кунчиқар томонга бирор чақирим юрмасдан кенг дала ва боғлар бошланарди. Биз ёз бўйи билқиллаган иссиқ тупроқниялангоёқ босиб, олмазор, узумзорларда ўйнар, полизлардан ҳандалак, қовун-тарвуз узиб, ёриб ердик, ариқларда чўмилардик.

Тошкент аҳлининг кўпчилиги ёзда дала ҳовлисига кўчиб кетар, кеч кузгача меҳнат қилиб қишликни ғамлаб қайтарди.

Ҳозирги кичик ҳалқа йўл билан Уста Ширин кўчаси оралиғида қариндошларимизнинг боғлари, полизлари бўлар, баҳорги қулупнай мавсумидан то кузги хазончинаккача, ҳам ҳашар, ҳам ошар деганларидек, у ерлардан қадамимиз узилмасди. Ёнғоқ қоқиш ва териш борми, тутга чиқиб шох силкитишу тут тагида чодир тутиб туриш борми, ҳаммаси бизнинг бўйнимизда, ўйнаб-яйраб бажарар эдик.

Кекса тут шохлари бизга ҳам топ-аттракцион, ҳам люкс ресторан эди.

Ўша болалик кунларимни эсласам димоғимга жийда гулининг ҳиди келади. Дала ҳовлининг эшиги ёнида ўсган бир туп жийдадан атрофга ширин бўй таралар, унинг тагидан нари кетгим келмасди.

## Бир отим нос хумори

Эски шаҳарнинг Коҳота маҳалласида турардик. Девор қўшнимиз боғдор эди. Шаҳар ташқарисидаги каттагина дала ҳовлисида ёз бўйи мева, сабзавот етиштириб, рўзғордан ортганини бозорга чиқарар, ундан ҳам қолса Сибир томонларга олиб бориб пулларди. Ўзи бениҳоя меҳнаткаш, тиниб тинчимаган одам, хотини ҳам саранжом-саришта, режали аёл эди. Шаҳар ҳовлида мол, қўй, товуқ боқишар, Тошкентда биринчилардан бўлиб иссиқхона қурган шу оила бўларди. Бу хонадонда ҳамма вақт ҳам нарса бор, кимга нима керак бўлса, боласини Болтабой аканинг уйига югуртирар эди.

Бир кун ишдан қайтаётсам, Болтабой ака эшиги тагида бошини чангаллаб ўтирибди. Доим қувноқ, ҳаракатчан бу одамни ҳечқачон шундай аҳволда кўрмагандим. Салом бериб ҳол-аҳвол сўрадим.

— Э, нимасини айтаман! Новосибирга мева-чева юборган эдим. Сотишга қўйган шеригим телеграмма юборибди. Чекадиган носи қолмаган эмиш. Эртага нос етказсанг етказдинг, бўлмаса олма-анорингни ташлаб кетаман, дебди.

Бу гап менга нашъа қилди. Ўзимни кулгидан тўхтатолмадим.

— Кулма, ука. Битта банги носкаш хонумонимга ўт қўймоқчию, сен куласан. Энди мен бошимдан ошиб ётган ишларни йиғиштириб ўша нос жиннисининг хуморини ёзишим керак. Эртага укамнинг никоҳ тўйи бўлмаса ҳам майли эди...

Шу пайт хаёлимга бир фикр келди. Хожатбарор бу инсоннинг хожатини чиқарсам дедим:

— Ғам еманг, Болтабой ака, Новосибирга нос олиб бориш бўлса, мана мен тайёрман. Эртага шанба, индинга якшанба. Зарур ишим йўқ, сайр қилиб келаман.

Қўшнимнинг чеҳраси ёришиб кетди:

— Раҳмат, барака топ, ука. Сенинг ҳам тўйингда хизмат қилай.

Шундай қилиб эртаси тонгда самолёт чиптаси билан бир халта нос қўлимга тегди ва мен “ҳаё-ҳай, Новосибир, қайдасан”, деб учиб кетдим.

Тайёрадан тушиб таксида тўғри шаҳар бозорига кетдим. Тошкентнинг олтин кузидан чиқиб росмана қаҳратон қишга келибман. Қор босган қарағайзор йўллардан ўтиб бозорга келганимда совуқнинг забтини сездим. Йигирма-ўттиз даражадан кам эмас.

Шаҳар бозори кўзимга Эски Жуванинг кичик бўлимидек туюлди. Негаки, пештахталар ёнида беқасам тўн ё қора чопон кийган кўпгина водийлик юртдошларимни кўрдим.

Ўша лаҳзада мен кўрган манзара умрбод эсимдан чиқмайди. Совуқда қақшаб турган мусофирларнинг бирортаси ҳам эгнига поча пўстин, бошига қулоқчин киймаган, иссиқ юртда қандай юрган бўлсалар шундай ҳолда келган эканлар. Тўн остида юпун яктак, бошда дўппи, манглайга шоҳи қийиқчи боғланган, кўкраклар очиқ, оғиздан чиққан ҳовур соқол-мўйловларни, жундор яғринларни оппоқ қировга кўмиб, шўрлакларни тайёр қорбобога айлантирган эди. Болтабой аканинг шеригини зўрға топдим. Жонузоқ дегани чўтир, чўлоқ, баджаҳл одам экан, мени ким юборганини эшитдию бозорни бошига кўтариб сўкакетди. Умримда бунақа хунук, аҳлоқсиз ва бунақа бадиий ёрқин, ташбиҳларга бой сўкишни эшитмаганман. Ўша онда хаёлимдан кечди: агар сўкиш санъат бўлса, шу одам буюк классик бўлар эди.

Боғдор қўшним тайинлаганди. Жонузоқни кўришинг билан энг аввал қўлига носни тутқаз, ўзингни кейин таништирасан, деганди. Шеригининг феълини билган экан. Мен дарҳол хатони тўғрилаб носни узатдим. Жонузоқнинг овози ўчди. Бир кафт носни тил тагига ташлаб, тунука пақирга лой чаплаб ясалган қўлбола манқол ёнига чўкди, кўз юмганча қўлларини иситди. Ҳалиги бақириққа йиғилиб келган бозорчилар тарқалиб кетгунча кўз очмай, чурқ этмай ўтирди. Мен ҳам унинг чўтир башарасига тикилиб ўтирдим. Кўз олдимда бу хунук, бефайз башарага аста-секин қон югуриб, лаблар асабий титрашдан тўхтади, бўртиб чиққан томирлар жойига келди, ёноқларга нур таралиб дақиқалар ичида махлуқий турқ инсоний чеҳрага айланди. Жонузоқ кўз очганда у энди бошқа Жонузоқ эди. Пештахта остига носни туфлаб ўрнидан турди, менга ҳижолатомуз табассум билан, келинг, ука, кўришиб қўяйлик, деди ва қучоғини очди.

Ўша куни мен саноқли соатларда айни пишиқчилик фаслининг қаҳратонга алмашганини, сонияларда бир инсоннинг тамоман бошқа инсонга айланганини кўрдим. Бундай синоат учун минглаб чақиримга парвоз қилсанг арзийди.

Эртасига шаҳарни айландим, Об дарёси бўйларида ёлғиз кездим. Минг йиллар нарисида шу дарё соҳилларида умргузаронлик қилган олис аждодларим билан хаёлан суҳбатлашдим. Дарё менга уларнинг қўшиқларини айтгандек бўлди. Тўрт юз йил нарида Бухородан кўчиб келган, шу яйловларда мол ҳайдаб юрган ватандошларим билан ғойибона сўзлашдим...

Бу воқеа 1962 йил ноябр ойида юз берган бўлса, шундан буён эллик йил яшаб дунёнинг ярмини кездим. Ватан соғинчи нима эканини кўп бор ҳис қилдим. Юртимнинг бир тишлам иссиқ тандир нонига, қарсиллаган бир шингил узумига , бир тилим қовунига зор бўлсам, ҳар гал ўша Жонузоқ ёдимга келади, унинг кўзига дунёни қоронғу қилган бир отим нос хуморини эслайман.

## Кўмилган тракторлар

Ўттиз еттинчи йилнинг “қама-қама”сида кунлардан бир кун Олтиариқ тумани прокурорига махфий конверт келади. Конверт ичида судья Карим Сахибоевни қамоққа олиш тўғрисида ордер бўлади. Прокурор ўз дўстини, яъни менинг тоғамни бу гапдан огоҳ қилади ва тунги поезд билан Тошкентга жўнатиб юборади. Эртаси куни ўзи қамоққа олинади.

Мен бу улкан гавдали одамни биринчи бор 1956 йилда кўрганман. Маҳкам ака Сибирнинг қаҳратонларини кўриб, Магадан, Воркута лагерларида соғлиқдан айрилиб қайтган эди. Бизникига ҳарсиллаб-гурсиллаб, оёғини зўрға судраб келар ва айвонга ўтириб сув сўрарди. Чўмичда эмас, пақирда олиб кел, дерди.

Ҳозир энди фикр қилсам, у шўрлик исканжа азобларида минг дард қатори қанд касаллигини ҳам орттирган экан.

Мустабид тузумнинг қурбони бўлиб тирик вайронага айланган бу инсон ўз бошидан кечирган антиқа ва даҳшатли воқеаларни менга сўзлаб берарди.

Маҳкам акани Фарғона ҳибсхонасига қамагач, уни сўроқ қилиш ўрнига олдига бир варақ оқ қоғоз қўйиб, шундай дейдилар: “Ўзинг прокурорсан, бизнинг ишимизни биласан. Сени қийноққа солиб ўтирмайлик. Халқ душмани эканингни бўйнингга олиб, иқрорномани ўзинг ёз.

Замон сиёсатини тушунган Маҳкам Каримбоев шундай мазмунда иқрорнома ёзади: “Мен ҳақиқатдан ҳам колхоз тузумига қаршиман, халқ душманиман. Бунинг исботи шуки, колхознинг элликта тракторини жарликка кўмдириб юборганман”.

Тутқун прокурор, албатта, бундай “иқрорнома”га бирор оқил инсон ишонмаслигини билган. Биринчидан, ўша замонда колхозда элликта трактор нима қилсин! Иккинчидан, яқин атрофда жарликнинг ўзи йўқ. Учинчидан, трактор игна эмаски, элликтаси кўмиб юборилса-ю биров тополмаса.

— Ўшанда айбим текширилар, адлия тизимида бирор эсли одам бордир, деб ўйлабман. Адашган эканман, — дерди Маҳкам ака, — бундай тизимнинг ўзи йўқ, адолат эса отиб ўлдирилган экан. Ўзим тўқиган бетайин гуноҳ билан ўн тўққиз йил маҳбуслик азобини чекдим.

Бу сўзларни эшитганда мен биринчи курс талабаси эдим. Менинг ёш кўнглимга ғалаён солган, содда хаёлларимни ағдар-тўнтар қилган бу дардли ҳикояни эсласам ҳали ҳануз қалбим ларзага келади.

## Соддалик қурсин

Содда одам қароқчидан ёмон бўлади, десалар авваллари ёқа ушлардим. Ажабо, гўллигидан доим чув тушадиган, бошқаларга ем бўладиган содда одам эмасми, унинг нимаси қароқчи, дердим! Соддалик боис ўзим бир шўрликни ўлар ҳолга келтириб қўйганимдан сўнг бу ҳикматнинг тагига етдим. Воқеа шундай бўлган эди:

1971 йили “Москвич” сотиб олдим. У замонда машиналик “бойвачча”лар кам. Каттагина маҳалламизга биринчи енгил машина кирди. Шодлигим чеку чегарасиз. Бир ёқда ёзиб қўйган комедиям ҳамма театрларда узлуксиз ижро этилиб, қалам ҳақи селдай оқиб турипти. Иш жойим — уйдаги ижодхонам. Нашриётдан “ўз аризамга кўра” кетганим, шеърларим бадарға бўлганини, турли дашномлар ёғилиб турганини, яъни шу “арзимас” савдоларни демаса, мендан бахтли одам йўқ. Тагимда ғилдирак, тўрт томоним қибла. Бу ён Самарқанду Бухоро, бу ён Фарғонаю Андижону Ўш. Гоҳ Чорвоқда, гоҳ Зоминда, гоҳ Иссиққўлдаман. Оиланг ёнингда бўлса машина ҳам хонадон бўлар экан. Ҳайдовчилик маҳоратини сўраманг. Фақат олдинга қараб ҳайдаш бор. Ҳатто капотни очиб қараш йўқ... Шу зайил ярим йил давру даврон сургач, бир кун шаҳарнинг ҳалқа йўлида машина таққа тўхтади. Ёрдамга келган ҳайдовчилар кўп уриндилар. Машина ўт олмади. Охир бир юк машинасига судратиб устахонага олиб бордик. Уста моторни очиб, “корзина” кетибди, алмаштириш керак, деди.

Кошки эди, мен машина сотиб олмаган бўлсам, кошки эди у бузилиб, “корзина”си ишдан чиқмаган бўлса-ю, мен “корзина” излаб автомагазинга бормаган бўлсам.

У замонда керакли нарсалар ҳаммаси ноёб эди. Илтимоссиз на дуруст кийим, на мебел ё гилам олиш мумкин эди. Ҳатто ўзимизда чиқадиган атлас, чинни идишлар ҳам анқонинг уруғи бўларди.

Автомагазин директори йўқ экан, хушбичим, силлиқ юзли ўринбосар ёнига кириб, ўзимни таништирдим. У юксак ҳурмат ва тавозе кўрсатиб чой узатди, кўп ширин сўзлар айтди. Лекин илтимосга келганда, “корзина”нинг кўп вақтдан бери дўконда йўқлигини, ўзининг туғишган укасига ҳам топиб беролмай хижолат бўлганини сўзлаб мени одоб билан эшиккача кузатди.

Ташқарига чиқиб, қаёққа боришни билмай ҳайрон бўлиб турсам, ёнимга “Запорожец” келиб тўхтади. Ногиронларга мослаштирилган машина рулида ўтирган тўлагина рус киши менга қараб: “Эй, чў надо?”, деди. Мен саволга жавоб қилмадим. Айтганим билан топиб берармиди? Магазин раҳбари ўзи қидириб юрган “корзина” сен чўлоқда нима қилсин, — деган гап кўнглимдан ўтди. Чўлоқ киши мени гаранг деб ўйлади шекилли, такрорлади: “Слыш, чў надо?” Мен парвосиз: “Корзина” дедиму тескари қарадим. Чўлоқ “тридцать рублей”, деди. Мен ўз қулоғимга ишонмай, ундан нима дединг, қайтар, дея сўрадим. Ўша онда ўттиз сўм у ёқда турсин, минг сўм бўлади, деса оладиган ҳолатдаман. Ногирон менинг ҳайрат аралаш берган саволимни ўзича тушунди: “Ладно, двадцать пять” деди. Мен дарҳол ёнимдан пул чиқардим: “Давай!” У ҳозир олиб келаман, деб машинасини орқага қайтарди. Шу лаҳза хаёлимга бир фикр келиб уни тўхтатдим. Мабодо иккита топиладими, деб сўрадим. У индамай машинани учириб кетди ва ўн дақиқада иккита “корзина” қўлимга тегди. Суюниб кетганимдан айтган пулини ортиғи билан бериб, директор ўринбосарининг хонасига югурдим: “Омадни қаранг, — дедим ҳаяжон ичида, — қидирган нарсамиз топилиб қолди. Укангизга ҳам олдим. Мендан эсдалик. Китоб ёзиб беришга қарздорман”, — дедим.

Ўринбосар суюнар деб ўйласам, у лоладек қизариб кетди. Пешонасига маржон-маржон тер чиқди. Ўшанда мен ўз хатоимни англадим. Уни севинтираман деб соқов қилиб қўйибман. Соддалик қурсин.

Кейин билсам, ноёб бутловчи қисмлар автомагазинга “бошида шапкаси, елкасида погони” билан келар экан. Бунинг маъноси шуки, “корзина” давлат нархида саккиз сўм бўлса, қўлдан қўлга ўтиб дўконга ўн беш сўмга келар ва пештахта остидан йигирмага сотиларкан. Уддабурон воситачиларнинг қўлидан ўтиб бизга ўхшаш оддий бандаларга ўз асл баҳосидан уч карра семириб келар экан. Шу бир парча темир гардишда юзлаб “заҳматкаш”нинг ризқи борлигини мен содда қаёқдан билай? Қаёқдан билайки, дўкон раҳбари шоирдан “шапка” ололмайди, “шапка”сиз беролмайди.

Биз бошдан кечирган кунлар ҳозирги ёшларга эртак бўлиб туюлар. Энди “дефицит” деган сўз архивга тушиб кетди. Ҳеч ким ҳеч кимдан ҳеч нарсани илтимос қилиб топмайди. Пул бўлса ҳамма нарса бор. Тўғри, баҳоси заҳардаккина, сотувчиси инсофсизгина, олувчиси камҳаржгинадир. Лекин ҳамма нарса бор. Дўконларда навбатга туриш йўқ, номардларга бош эгиб бориш йўқ. Шунга беҳисоб шукр.

## Бир хатонинг изтироблари

Беайб — Парвардигор. Инсон зоти хатолардан эмин эмас. Бу чалкаш дунёда, айниқса, биз бошдан кечирган янглишлар тўла давронда адашмоқ табиий эди, бугун ҳам шундай ва балки одамзод ноқисликдан ҳеч қачон холи бўлмас. Лекин бу оламда шундай хатолар борки, уларнинг чоҳига тушган киши умрбод ёруғликка чиқолмайди. Мен ўз кўзим билан кўрган бир воқеа бундай фалокатнинг аянчли намунасидир.

Иккинчи жаҳон уруши тугаб, ғалаба ҳайқириқлари тинмасдан, байрам мушаклари сўнмасдан шўролар давлатида ялпи қаматишларнинг навбатдаги тўлқини бошланди. Бу тўлқиннинг дастлабки зарбасига зиёлилар — атоқли олимлар, шоирлар, ёзувчилар учрадилар. Миллий адабиёт вакиллари ичида умумэътироф этилган барҳаёт мумтоз адиб, ўша замонда, шубҳасиз, Ойбек эди ва шўро мафкуравий сиёсатининг палахмон тоши даставвал шу улуғ ёзувчига қарата отилди.

Биз бошдан кечирган тузумнинг ўта нозик, кўп синалган ва очиғини айтганда ўта қабиҳ услуби бор эди. Уни қисқача қилиб, сопини ўзидан чиқариш услуби дейиш мумкин. Агар бирор миллат фарзандига зарба уриш керак бўлса, бу иш албатта ўша миллат вакилининг қўли билан қилинар, ҳукмни ижро этувчи ўша юртнинг ўзидан топилар эди.

Тақдир тақозоси билан Ойбекка отилган тошга адабиётшунос Ботир Файзиев палахмон бўлди. Ўзкомпартия газетаси бўлган “Қизил Ўзбекистон”да Ойбекни миллатчиликда айбловчи мақола шу олим имзоси билан босилди. Ёзувчига қўйилган айб ўтакетган уйдирма, кулгили даражада саёз ва мантиқсиз эди. “Навоий” романида тасвир этилган бир қаҳрамоннинг шароб ичиши лутф билан қозоқнинг қимиз сипқоришига ўхшатилган. Мақолада айтилишича, бу ўхшатиш қозоқ халқини масхара қилиш бўлар экан. Бундан хулоса, Ойбекнинг романида миллатчилик ғояси олға сурилган, халқлар дўстлигига бегона руҳ мавжуд.

Аввало қозоқнинг қимизхўрлиги, ўзбекнинг чойхўрлиги, француз ёки гуржининг мусалласхўрлиги каби одатий ҳол ва бундан ор қилиш ўринсиз. Билъакс, миллий одат сифатида қадрланадиган ҳолатдир. Қолаверса, асардаги тасвирда азал-азалдан ўзбекка биродар, туғишган, ҳазилкаш дўст халққа нисбатан беозор ва меҳр тўла лутфдан бошқа туйғу йўқ. Буни қозоқ ҳам, ўзбек ҳам ҳис қилиб турганда улуғ адиб бошида гумбурлаган момақалдироқ, айниқса бугунги кўз билан қараганда, бағоят таажжублидир. Лекин у замонда ёзувчини миллатчиликда айблаш, унга ўлим ҳукмини чиқаришдек даҳшатли иш эди. Чўлпон, Қодирий, Усмон Носир каби ўнлаб ижодкорларнинг шу каби танқидлардан сўнг йўқ қилинганини ўз кўзи билан кўрган Ойбек адолатсизлик изтиробидан фалаж ҳолатга тушди ва умрининг сўнгигача ўнгланолмади. Бу зарбадан кейин яратилган асарлар яримта жон билан, кучли сабот ва ирода эвазига дунёга келган ижод намуналаридир.

Ойбекни фалаж қилган асл қотил қаттол тузум эди. Аммо тузум кўз билан кўриб, қўл билан тутиб бўлмайдиган бир қудрат бўлгани учун элнинг ғазаб ва қарғиши ўша тузум ҳукмини ижро этган аниқ ва мавжуд шахс — Ботир Файзиев бошига ёғилди.

Мен 1960 йили университетни битириб, ёшлар нашриётига ишга келганимда Ботир Файзиев шу даргоҳда муҳаррир бўлиб хизмат қилар экан. Тақдирнинг тақозосини қарангки, Ойбек ижодининг ашаддий мухлиси, Ойбек сўзининг сеҳрига маҳлиё бўлиб юрган ёш шоир Ойбекка тош отиб, ўзбекнинг Дантеси дея ном олган одам билан бир хонада бир йилга яқин рўбарў ўтириб ишладим.

Ошкора ва пинҳон надоматлардан, таҳқир ва қарғишлардан зада бўлган бу одам кун бўйи қоғоздан бош кўтармай ишлар, ҳеч ким билан гаплашмас, девонаваш ҳолатда хаёл суриб юрар эди. Ҳеч бир гуруҳ, ҳеч бир улфат уни ўз қаторига чақирмас, ўзи ҳам бунга интилмас, ёлғизликни ҳаёт тарзига айлантирган инсон эди у. Бундайлар тўғрисида, ерда унинг ўзи эмас, сояси юрипти, дейдилар.

Бир йилга яқин индамас одам билан бир хонада ўтириб ишлаш осон эмас. Мен неча бор оғиз жуфтлаб Ботир Файзиевдан ўша машъум мақоланинг ёзилиш тарихи тўғрисида, уни шундай ишга мажбур қилган ҳолат тўғрисида сўрамоқчи бўлдим. Лекин бу мажруҳ юракнинг ярасини янгилагим келмади. Уни биринчи кўргандаги ҳушламаслик ойлар ўтиб ачинишга, замоннинг тирик қурбони бўлган инсонга нисбатан раҳм-шафқатга айланди.

Ҳар қандай жазо гуноҳга яраша бўлса дуруст. Салгина паришонлиги учун машина уриб ўлдирган йўловчининг очиқ қолган кўзларида ҳайрат қотиб қолади...

***Ботир Файзиевни замон машинаси тириклай тилкапора қилган эди. Бу йигирма йиллик қамоқдан ёки сургундан оғир жазо. Ботир Файзиевнинг изтиробларини ҳеч ким англамади ва кечирмади. Фақат бир олижаноб инсонгина уни кечириб, мадад қўлини узатди. Бу инсон — Ойбекнинг ўзи эди. Адашган олимнинг илмий асарини улуғ адибнинг ўзи қўллаб-қувватлади.***

Бу воқеа — мен гувоҳ бўлган бир тақдир ҳикоясидир. Ойбекнинг ўзи кечирган инсонни Оллоҳ ҳам раҳматига олган бўлсин. Улуғ адиб ва улуғ инсон бўлган устозга эса ўзи гўзал шеърларида таърифлаган боғу чаманлар бақо салтанатида насиб этсин. Биз — янглиш тўла дунёда яшаб юрганларни Оллоҳ оғир хатолардан, умрни хазон қилгувчи гумроҳликлардан асрасин.

Яна бир тилагим, жамият баркамол, ҳаёт маъноли ва ёруғ бўлмоғи учун инсонлар ичида Ойбек каби олижаноб, кечиримли қалб эгалари кўпроқ бўлсин.



Шарифа САЛИМОВА

# ЖИЛҒА ҚЎШИҚЛАРИ ДИЛБАР, БЕҒУБОР

## ВАТАН

Бир куни ё майса гиёҳ бўламиз,
Шунда ҳам ҳолингдан огоҳ бўламиз,
Шоир қаламингга сиёҳ бўламиз,
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Ё ёмғир бўламиз, бўламиз шабнам,
Майсалар кипригин айлажакмиз нам,
Ногоҳ хазон мисол тўкилганда ҳам
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Юлдузлар кулгусин ичганда ҳилол,
Сочларин дарёда ювса мажнунтол,
Бир бойчечак бўлиб сурганча хаёл,
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Биз сингил, ё ини, ёки оғамиз,
Бағрингда дарё ё тоғдек қоламиз,
Ғаним бошига тош бўлиб ёғамиз,
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Кўксингда қулунлар бўлиб чопамиз,
Арча бўлиб тоғлар кўксин ёпамиз,
Бургут бўлиб чўққинг излаб топамиз,
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Майли, тиканларинг қонатсин қўлим,
Майли, изғиринлар қилсинлар зулм,
Сен рози бўлсанг бас, энажон элим,
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Сендан хаёлда ҳам кетмаймиз нари,
Онасини қучган фарзанд сингари,
Сўнг сўз ёзганда ҳам умр дафтари,
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Туғинг нафасларин ичганда дунё,
Ўзбек деган номга тўлганда само,
Биз бағрингда ётиб, қилганча дуо
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

## МЕН УЧУН ТЕНГИНГ ЙЎҚ ДУНЁДА...

Мен учун тенгинг йўқ дунёда,
Кипригинг тиғидан нур инган.
Мен каби куйган йўқ дунёда
Орзусин бир сенга илинган.

Хаёлнинг тез учар отида
Елгану бағрингга жим сингган.
Бир ширин ҳисларнинг тотидан
Кўз очса йўқлигинг билинган.

У — сенсан. Нақ баҳор ҳавоси.
Гоҳ ранжиб, гоҳида хўп кулган.
У — сенсан. Нақ кўклам сабоси
Уйқусиз киприкка илинган.

У — сенсан. Сутдайин саҳарда
Қалбимда оҳангдай туғилган.
Ва ишқнинг қулф урган боғига
Туганмас қўшиқдай қуйилган.
У — сенсан...

* * *

Сиз барибир жуда яхшисиз,
Сиз тинч оқар дарёйи азим.
Сиздек дўстни севмоқеракдир,
Сиздек дўстни аямоқ лозим.

Сиз — қўрқмайин мен суянган тоғ,
Андуҳимга содиқ тираксиз.
Шабнам мисол меҳрингиз билан
Гуноҳлардан фориғ юраксиз.

Беоқибат дўстсиз гоҳида,
Истаб, интиқ кутганим билан.
Илдизидан қайга борар дил
Гоҳ аразлаб кетгани билан.

Бу ғалвали, маккор дунёга
Мени раво кўрмаган жонсиз.
Гоҳ боласиз, гоҳ далли дарвеш,
Гоҳ дилимни ёққан гумонсиз.

Олисдаги нурман қўл етмас,
Нурга барча қилур илтижо.
Сиз барибир жуда яхшисиз,
Паноҳида асрасин Худо!

## САККИЗЛИКЛАР

Жилға куйлаб оқар, тошқиниб-шошиб,
Нурли соҳилларни айлаб ихтиёр.
Сўнгсиз довонларни у ўтгач босиб,
Ҳаёт уммонига қуйилгуси бор.

Жилға қўшиқлари... Дилбар, беғубор...
Тунд тоғ-тошларни ҳам у ром этади.
Кимгаки жилғадек мақсад экан ёр,
Порлоқ орзусига шаксиз етади.

* * *

Шодликдан, севинчдан тўлиб-тошсанг гар,
Кўзларинг тубида пайдо бўлар ёш.
Бу шундай томчики, қатраси ором,
Бу шундай томчики, қуввати қуёш.

Аламдан қийналиб, туҳматдан ёниб,
Кимнингдир олдида бўлиб қолсанг хор.
Қуйилган томчини кафтларинг билан
Ҳеч кимга кўрсатмай сидириб юбор.

## ФАРДЛАР

Сен ушоқ берсанг дуода қуш, балиқ,
Ул қувончнинг қийматин ўлчар Холиқ.

* * *

Ким ширинсўз, чеҳраси офтоб эрур,
Ул адаб дарёсига мироб эрур.

* * *

Тишга қурт тушса, унинг давоси бор,
Дилга қурт тушса, унинг жазоси бор.

* * *

Чанқадим, сувларингдан бергил, булоқ...
Кўз ёшини тош косада тутди тоғ..

Дунё — кенг...

Қадаҳдан каттароқ, фужерга ўхшаш бу идишни ядро физикаси бўйича мутахассис К.Кабанов ўтган аср 60-йилларида Тунгус метеорити тушган ҳудудга уюштирилган экспедиция пайтида топиб олганди. Олим бу ғайритабиий идишни умр бўйи ўзида сақлади. У 102 ёшга етиб вафот этди. Набираси истеъфодаги зобит И.Подухевичнинг айтишича, К.Кабанов ҳар нарсага қизиқувчанлиги боис, ноёб топилмадан сув ичадиган идиш сифатида фойдаланиб юрган ва кўп ўтмай иммунитети кескин ошганини ҳис қилган. Ядровий қурилмаларда ишлаб, эҳтимол, қандайдир даражада нурланиш ҳам олганига қарамай, у юз ёшдан зиёд умр кўрган ва бирор оғир дардга чалинмай, ақлу ҳуши ўзида бўлган ҳолда бандаликни бажо келтирган. Ўлими олдидан ғайритабиий технология намунаси бўлган самовий идиш-

# САМОВИЙ ҚАДАҲ СИРИ

## ёхуд ўзга сайёраликлар туҳфаси

дан фойдаланишни набираси Игорга васият қилган.

— Дастлаб уни уйнинг бир чеккасига ташлаб қўйгандим, — дейди И.Подухевич. — Бироқ қизим автоҳалокатга учраб, 16 жойидан жароҳат олганидан сўнг шу идиш ёдимга тушди. Жароҳатларнинг олтитаси ниҳоятда оғир эди, унинг ҳаётига жиддий хавф солганди.

Шундан сўнг ота қизига бериладиган ҳар хил ичимликларни шу идишга қуйиб ичиради. Орадан икки ой ўтгач, травматологлар рентгенда олинган тасвирларни солиштириб кўриб, ҳайратга тушишади: "Синган жойларнинг изи қани, қандай қилиб меъда ости безн ўсиб, аввалги ҳолига қайтган?"

Шу тариқа қизининг ҳаётини сақлаб қолган И.Подухевич қадаҳсимон самовий идиш ёрдамида шифобахш сув тайёрлай бошлайди. Оғир дардга чалинган беморлар Россиянинг турли ҳудудларидан унинг уйини топиб келишарди. Подагра, псориаз, артритлар, болалар умуртқаси параличи, саратон ўсмаси каби оғир хасталикларга учраганлар сеҳрли сув ёрдамида дарддан халос бўлишади. Мўъжизавий муолажага доир юзлаб мисоллар, шифокорларнинг ўнлаб расмий баённомалари бу воқеаларни тасдиқлади. Саратовлик генетиклар эса, мазкур "фужер"да тайёрланган сув генетик таркибни меъёрга солишини аниқлашди.



И.Подухевич, албатта, идишда бир оз вақт сақланган сеҳрли сув намуналарини кимёвий таҳлилдан ўтказгани турли лабораторияларга ҳам жўнатган. Натижалар ҳайратланарли эди: сув таркибида шундай моддалар топилдики, улар "фужер"нинг ўзида ҳам учрамасди. Самовий идишда турган сувдаги мис миқдори мис қуймаларидагидан 25 баробар, молибден — 40, цирконий — 10 баробар кўп бўлиб чиқди. Кумуш миқдори эса — унинг сув таркибида кўп бўлиши заҳарли — 100 баробар кам экан.

Бундан бошқа ғайритабиий ҳодисалар ҳам мавжуд. Масалан, И.Подухевич самовий идишга сув солиб, уни суви билан бирга бошқа идишдаги сув ичида қайнатади. Ҳарорат юз даражага етганда, одатдагидек, катта идишдаги сув қайнайди. Бироқ самовий "фужер"даги сув ҳарорати қанча қиздирилса ҳам 80 даражадан ошмайди. Физиклар бу феноменга ҳам изоҳ топишолмаяпти. Идиш эгасининг ҳовлисида ит ва мушук кўп. Уларнинг ҳаммаси миёвлаб ё ҳуриб, "фужер"даги сувдан ичиш мақсадида эгаси изидан чопиб юргани-юрган. Узоқ вақт атайин суғормай қўйилган гуллар эса "фужер"даги обиҳаёт билан суғорилгач, гуллаш вақти келмаёқ ғунча очади.

— Бир қанча илмий лабораторияларда ўтказилган батафсил материалшунослик таҳлилларидан сўнг тадқиқотчилар узил-кесил шундай хулосага келишди: Ердаги шарт-шароитларда бундай кимёвий таркибдаги маъданли қуймани яратиб бўлмайди, шунга ўхшаш технологиянинг ўзи ҳам бўлиши мумкин эмас. Саратов суд экспертиза лабораторияси ўтказган тадқиқотлар баённомасида қуйманинг асосий материали (90 фоиздан юқори) соф кремний, қолгани (5 фоиздан кўп) никель, бундан ташқари калий, темир, осмий, неодим, селен, бром, фосфор, кобальтдан иборат эканлиги қайд этилган. РФА Сибир бўлимининг Геология ва минералогия институтида қилинган рентген-спектрал микро таҳлиллар ҳам саратовлик мутахассисларнинг хулосасини тасдиқлади.

— Мутахассис сифатида шунга аминманки, — дейди Кубан давлат университети умумий ва ноорганик кимё кафедраси профессори В.Панюшкин, — ер шароитида маъданларнинг бундай нисбатдаги қуймаси учрамайди. Буюм таркибида осмий маъдани мавжудлиги эса унинг космосга тааллуқли эканини англатади.

"Фужер"нинг қандай технология бўйича тайёрлангани ҳам жумбоқлигича қолаётир. Металл йўниш ускунасида тайёрланганда идиш сиртида оддий кўзга кўринмайдиган спирал излар бўларди. Идишдаги излар эса, доирасимон. Бундан ташқари, кремнийни амалда токарлик ускунасида мутлақо йўниб бўлмайди. Эҳтимол, у ўстирилган кристаллдир? Ундай бўлса нега фужер шаклида? Балки у шундай бутун тарзда қуйилгандир, у ҳолда қолипнинг изи қоларди. Қуймани эритиш мумкин бўлган ҳарорат миқдори 1840 даража, деб белгиланди. Идиш таркибидаги барча маъданлар ичида фақат осмийга бундан ҳам юқори ҳарорат керак. Демак, идиш қуйма ҳам эмас. У ҳолда нима?

Профессор В.Панюшкиннинг таъкидлашича, қанчалик ғалати туюлмасин, айнан бирдан-бир тўғри фикр шуки, ядрошунос мутахассис К.Кабанов топган қадаҳсимон идиш космик технология маҳсулидир.

*"АиФ"нинг 48-сонидан.*

Бошланиши биринчи саҳифада.

Ёш шоира Ирода Умарованинг "Лола" шеърини ўқиб, кўп таъсирланганман. Зулфияхоним, Зарифахоним (Саидносирова), Саида Зуннунова каби ижодкорлар анъаналарини давом эттираётган янги истеъдодлар майдонга чиқаётганидан хурсанд бўлдим.

Қирқ йилдан кўпроқ шаҳар мактабларида ёшларга сабоқ бериб, таътилга чиқдим. Бугун Бухоро ва пойтахтдаги тиббиёт институтлари, шифохонаю таълим муассасаларида жонбозлик қилиб ишлаётган шогирдларим билан фахрланаман.

Газетанинг мухлиси сифатида айтмоқчиманки, "ЎзАС" бизни фақат адабиёт, санъат ва маданият соҳасида бўлаётган жараёнлар билангина таништириб бормайди. Кўпчиликнинг тилида юрган, бошқалар билан ўртоқлашгинг келган ҳаётий масалалар ҳақида мухлислар фикрига ҳам эътибор билан

# МАЪНАВИЯТ ДАРСХОНАСИ

қарайди. Ўзликни таниш, қадриятларни эъзозлаш, ёшлар тарбиясига доир фойдали фикрлар ҳамиша газета саҳифаларида "мени ўқинг", деб туради. Нафақага чиққан бўлсам-да, ўқувчиларга етказиш зарур бўлган кўп янгиликларни "ЎзАС"дан топаман. Ёш муаллимларга шу газетани кўпроқ ўқинглар, ўқувчиларингиз билими ва дунёқараши бойишига ҳисса қўшасиз, дейман. Адабиёт ва санъатнинг нодир намуналари, аждодлар меросидан ёшларни баҳраманд этиб бориш, мамлакат ва миллат тарихидаги бурилиш жараёнларини яхши идрок этиш, шу асосда ҳаётга фаол муносабатни шакллантириш, мураккаб вазиятларда тўғри йўлни топишга ўргатишда бу газета, айтишим мумкинки, ўзига хос дорилфунундир.

Ўзбек тилининг мавқеини кўтариш борасида газетанинг фаол муаллифлари жонкуярлигини алоҳида таъкидлагим келади. Орол денгизи ва дарёларимиз тақдири, Аллоҳ инъом этган табиатимиз гўзалликларини сақлаш, Турсунзода шаҳридаги алюмин заводининг атроф-муҳит ва саломатликка зарари, баланд тоғларда баҳайбат тўғонлар қуриб, одамлар ҳаётига хавф солиш юзасидан билдирилган фикрлар аҳолининг, айниқса, ёшларнинг экологик маданиятини шакллантиришда беқиёсдир.

Кейинги икки йил мобайнида газетамиз янада жиддий масалаларга эътибор қаратгани мени бефарқ қолдиргани йўқ. Бу йил кўплаб қизиқарли мақола, шеър-ҳикоялар ўқиб, адабий жараёндаги янгиликлардан хабардор бўлдим. Хусусан, атоқли шоирларимиз Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовнинг шеърлари ва публицистик чиқишлари, Азиз Қаюмов, Суюма Ғаниева, Қодиржон Эргашев ёзган мақолалар, хитойлик Ҳурматжон Фикрат, озарбайжонлик Нушоба Араслий ва Олмас Улвийларнинг ҳазрат Навоий ижодига эҳтиромлари қалбимда баҳор эпкинларидай хуш таассурот қолдирди. Фарзандларимга яқинда нашрдан чиққан Алишер Навоий "Асарлар"ининг ўн жилдлигини келишиб сотиб олинглар, дейман.

Газета кўтариб чиққан тағин иккита масалани алоҳида тилга олмоқчиман. Бири газета Машраб ижодий меросига доир муаммоларга аниқлик киритиш мақсадида мутахассислар нуқтаи назарини ёритиб боргани шоир ижодига қизиққан барча мухлислар учун янгилик бўлди. "Ижтимоий ҳаёт" саҳифасида куюнчак газетхонлар билдираётган фикрлар ҳам кўпчиликни фикрлашга чорлаётир. Айниқса, никоҳ тўйларидаги шовқин-суронли мусиқа, овоз кучайтиргичларни баланд қўйиб қулоқни батанг қилиш шифокорлар томонидан саломатликка катта зарар экани рўйирост айтилганини астойдил қувватлайман. Бу муаммони ҳал этиш учун ўзимиз, айниқса, муаллимлар, маҳалла фаоллари, жамоатчилик кўп иш қилиши зарур экан. Келаётган янги йилда ҳам адабий, ижтимоий-маънавий ҳаётнинг муҳим масалалари ҳақида янада сермазмун мақолалар ўқиш ниятидаман.

Демоқчиманки, мен севган газета жамоаси маънавият сабоғини бош мақсад, деб билади. Шу маънода мен севимли нашримизни маънавият дарсхонаси, дегим келади. Буларни айтиб танлов мукофотини олишга даъвогар эмасман. Бироқ газета таҳририяти кўп йиллик садоқатли муштарийларга мурожаат қилиб, уларнинг ҳам фикрларини ёритишни ният қилганидан қувониб, қўлимга қалам олдим. Газета саҳифаларида ўзимнинг ҳам мақола ва хабарларим босилгани, билдирган истакларим инобатга олинганидан ҳамиша мамнунман. Бу йил ҳам ҳар доимгидек севимли газетамга обуна бўлдим. "ЎзАС"нинг барча мухлисларини янги йил билан табриклайман.

**Робия АЮБОВА,**
**муштарий**

*Бухоро шаҳри*

Анвар ОБИДЖОН

# УЙИНГИЗДА КУЛГУ БЎЛСА БАС...



Янги йил базмлари қувноқ ҳазилларсиз ўтмайди, кулгилар жаранги гурунгларнинг файзига файз қўшади. Ушбу мутойибалар юртдошларимнинг, дўстларимнинг байрамона даврасига қиттаккина яхши кайфият бахш этолса, ўзимни жуда бахтиёр ҳис қилган бўлардим.

"ШЧ" хандаси

## ЯНГИ ЙИЛ ҚАДАҲ СЎЗИ

Илм-ҳунар олишнинг эртангиси соз,
Бойлигу шуҳратнинг кечкиси яхши.
Тўн ва латифанинг яп-янгиси соз,
Дўст билан хотиннинг эскиси яхши.

## ХУСУСИЙ ТЕЛЕКАНАЛЧА

Ҳозир-нозир ҳар жойда, ҳар он
"Тоҳир-туман" телеканали.
Тезкорликда жумлаи жаҳон
Бундақасин кўрмаган ҳали.

Ўпич берса қиз пана ерда,
Тушса ёки дўконга ўғри;
"Тоҳир-туман" жонли эфирда
Кўрсатади тўғридан тўғри.

## ЮСУФЖОН ҚИЗИҚ ФАЛСАФАСИ

Кимга зарур енгил-елпи шон,
Мол-дунё деб, дўстлар, кетманг паст.
Дастурхонда сарёғу чой-нон,
Уйингизда кулгу бўлса бас!

## ЯНГИ ЙИЛ ҲАЗИЛЛАРИ

*Ошиқ ЭРКИНга*

Қаламимни ўйнатаман
Хоразмнинг "Лазги"сига.
Сатрим қуйиб ўрнатаман
Хонандалар "мазги"сига.



*Хуршид ДАВРОНга*

Умрим ўтар, дўстларим,
Телекема бортида.
Клипдадир бор шеърим,
Ўзим экран ортида.



*Охунжон ҲАКИМга*

Ҳатто улгурмай босишга,
Кўп шеърларим қўшиқ бўлди.
Бундан ҳам кўпроқ ёзишга
Бўз улфатлар тўсиқ бўлди.



*Низом КОМИЛга*

Думбадзедан ўргандим
Бир ёзиб, юз ўйлашни.
Мусалласни қилиб гум,
Ханжар тишлаб ўйнашни.



ШАВКАТ МУЗАФФАР чизган суратлар.

Янги рукн: Бўлган гап

***Воқеа содир бўлганига вакил бор, бўлмаганига гувоҳ йўқ. Эҳтимол бўлмагандир, лекин ишонасиз. Балки ишонмай тургандирсиз, аммо бу бўлган гап. Хуллас, ёзинг. Элга танилинг.***

# Дўстқораев деди

Адабиётшунос олим, фидоий педагог Бойбўта Дўстқораев бироз бетобланиб, бошига ҳўл сочиқ босиб, азза-базза кўрпа-тўшак қилиб олибди. Домланинг дўстлари, ҳамкасблари, шогирдлари эса атрофида парвона экан. Яхши одамнинг бошида асалари айланса ҳам кишилар дарҳол хабар топишади, аниқроғи хабардорлигини яширишмайди: яхши одамга ҳамиша талпинамиз-да!

Ниҳоят кунларнинг бирида домланинг рафиқаси у кишининг қошида ўтирсалар, узоқ уйқуда ётган домла ниҳоят кўзини очибди. Бу ҳолдан қувонган аёли "Вой, Худога шукур-ей!" дебди. Устоз эса: Бугун қайси кун, ойиси? деб сўрабди. "Жума" дебди ажабланган рафиқаси. Буни эшитган Дўстқораев домла дабдурустдан хийла хавотир ила "Адабиёт ва санъатни олдилариңгми?" дея савол ташлабди. Бу саволдан қувончи икки ҳисса ортган янгамиз домланинг фарзандлари ва шогирдлари ёнига югурибди: Болаларим, энди сира қўрқманглар! Домлангиз "Адабиёт ва санъат"ни сўради — демак, энди кўрмагандай бўлиб кетади.

Чиндан ҳам домла шундан сўнг тезда оёққа туриб кетдилар. Биз эса газетамизнинг фаол муаллифи, қилқалам олим Бойбўта Дўстқораевга янги йилда мустаҳкам соғлиқ тилаб қоламиз.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Театр ижодкорлари уюшмаси Бухоро вилоят мусиқали драма театрининг фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби

**Амин АКОБИРОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилимиз: uzas@b2c.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50
Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-57-42
Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Нафиса ИСМАТУЛЛАЕВА
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41 уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 18.38

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4415 Буюртма Г — 1244. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН